



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 11-iyun, payshanba, 24 (604)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ФРАКЦИЯ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚҚДИ

О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар Давлат бюджетининг 2014 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги ижроси якунларига доир ҳисоботни кўриб чиқдилар

Кун тартибидида масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаев маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, ўтган йили Давлат бюджетининг олиқ-сўлатлари томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ, даромадлар ҳаётининг охиридаги қисмида ижро этилди. Инфляция даражаси эса белгиланган прогностик кўрсаткичларидан ошмади. Иқтисодий дастурларнинг аниқ мақсадни кўзлаб ва тизимли амалга оширилиши натижасида ўтган йил ва жорий йилнинг дастлабки чорагида Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсиши таъминланди.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш



Солтқ ЗОИР олган сурат

жараёнида О'zLiDeP фракцияси аъзолари кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг роли тобора ошиб бораётганини мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий тuzилишидаги ижобий ўзгаришлардан далолат эканини алоҳида таъкидлашди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 26 минг жорий йилнинг биринчи чорагида

эса 8 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлагани бунинг ёрқин мисоли сифатида кўрсатилди.

— Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати ижросига бағишланган ҳисобот бунинг танишида иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик соҳаси-

га кўпроқ эътибор қаратиш, мамлакат ялпи ички маҳсулотида ушбу соҳанинг улушини тобора ошириб бориш, айниқса, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни яхшилаш мақсадида давлат буюртмаларини бажаришга хусусий сектор субъектларини янада кенгроқ жалб этиш зарур эканлигига амин бўл-

дим, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов.

— Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида 8 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти иш бошлагани ва бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,2 фоизга кўп эканлиги эътиборга молиқдир. Қолавер-

са, тadbirkorлик субъектларига 2,8 трлн. сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп банк кредитлари йўналтирилди. Фақат шунгина эмас. Йил бошидан буён хусусий мулкдорларга умумий қиймати 28,3 млрд. сўмлик 55 давлат активи сотилди.

2

Юксак марраларни кўзлаш натижаси

Газетамизнинг ушбу сони ўқувчилар қўлига етганида футбол бўйича Германия (0:3)га имкониятни бой берган бўлса-да, Фижига қарши ўйинда 3:0 ҳисобида галаба қозониб, гуруҳда «немис машинаси»дан кейинги кўрсаткични қайд этганини айтиб ўтиш жоиз. Мусобақада Осие вакиллари орасидан кейинги босқичга чиққан ягона жамоа — ўзбекистонлик футболчиларга фақат юксак марраларни кўзлаган ҳолда майдонга тушишларини тилаб қоламиз. Бинобарин, кетма-кет мағлубиятдан сўнг умидсизликка тушмай, фақат яхши натижалар ҳақида ўйлаган ёшларимиз иштиёқ ва ирода тўғрисидаги бўш бўлишига йўл олдилар.

Шийпондаги муҳокама

Бугун мамлакатимизда 76 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 50 мингдан зиёди кўп тармоқли. Ҳозирда фермерлар томонидан кўпқабатли музлаткичли омборхоналар ташкил этилиб, уларда сабзавот, полиз, мева ва узум сақлаш йўлга қўйилди

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва парламентдаги фракцияси томонидан Юқори Чирчиқ туманида «Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда турларини кенгайтириш бўйича манзилли дастурларнинг ижроси: эришилган натижалар ва устувор вази-фалар» ҳамда аграр соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тadbirkor аграр соҳага оид қонунчиликни янада му-стаҳкамлаш, шунингдек, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини интенсив усулда етиштиришни кенг тарғиб қилиш, ердан самарали фойдаланиш борасида ўзаро фикр алмашилди.

«Фародис хирмони» фермер хўжалиги дала шийпонидан уюштирилган муҳокамада

таъкидланганидек, республика ҳудудларида озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 2015 йил учун белгиланган чора-тadbirkorлар доирасида 1300 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда 332 та лойиҳа тўлиқ ишга туширилди. Бунинг учун ташаббускорларнинг 40 млрд. тижорат банкларининг 48 млрд. сўмдан ортиқ маблағи, 686 минг АҚШ доллари миқдоридида хорижий сармоялар ўзлаштирилди, 2454 та янги иш ўрни яратилди.

2015 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурига асосан 26 мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда чорвачилик,



ли дастурларнинг фалар» мавзусидаги

паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, интенсив ва маҳаллий боғлар барпо этиш, гўшт, сут ва мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳамда сервис хизматлари кўрсатиш бўйича 15 мингга яқин лойиҳа амалга оширилди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун лойиҳалари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари юзасидан 50 дан ортиқ аниқ амалий тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

— Фермерларимиз бугунги кунда ўз маҳсулотларини экспорт қилиш даражасига етишти, — дейди Юқори Чирчиқ туман Фермерлар кенгаши раиси Шерзод Жўраев. — Ҳозирда вилоятимизда 6400 та

фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда уларнинг 4700 тасини кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этади. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг янги босқичига қадам қўйилётгани эса биз фермерлар учун аниқ мудоаа бўлмоқда.

Чунки фермер доим эл-юрт дастурхони учун арзон ва сифатли маҳсулотларни етказиб беришга ҳаракат қилади.

Давра суҳбатда маҳаллий тadbirkor ва фермерлар яратиб берилаётган имкониятлар натижасида маҳсулот мўллигига эришилаётгани ҳақида тўхталди. Бунинг биргина исботи сифатида мамлакатимиз қисқа муддатда галла импортдан экспортга ўтгани, шунингдек, мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ҳам экспорт қилинаётгани тилга олинди. Эндиги масала уларнинг салмоғини оширишдан иборатдир.

«Карвонсарой»дан топилган митти динозавр

Сирдарё вилояти ўлкашунослик музейидан гаройиб экспонат — мезозой эраси, яъни тахминан 200-250 миллион йил аввал яшаган жониворнинг скелети ўрин олди.

Ховос туманидаги 12-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси, «Карвонсарой» маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳайи Мирзаева янги иморат куриш мақсадида эскисини бузган пайтда унинг ертўласида алландай сезилма дуч келди. Мутахассис сифатида уларнинг оддий ҳайвонлигига ўхшамаслигини таъкидлаш билан топилган музейга олиб борди. Суякларни ўрганиб чиққан музей ходимлари эса улар динозаврлар оиласига мансуб жониворга тегишли эканини аниқлади.

— Бундан тахминан 250 миллион йил аввал — мезозой эрасининг триас даврида танаси каламуш, нари бора мушукдек келадиган сут эмизувчилар тухум қўйиб кўпайган, — дейди тарих фанлари номзоди Боймирза Уроқов. — Зранинг юра даврига келиб эса Ер юзидан анча йирик ўтхўр сут эмизувчи жониворлар кўпая бошлаган.

«Нурли диёр» маслаҳатчиси пойтахтга йўл олди

Термиз шаҳрида «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Сурхондарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Айни пайтда вилоятда 832 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг 684 тасида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият юритмоқда. Кўрик-танловда унинг кўри босқичида галиб бўлган 14 нафар маслаҳатчи ўзаро беллашди. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг тақдимотларини ҳудудда амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқлар, шунингдек, уларнинг маҳалладаги муаммолар ечимини топишда ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятидан фойдаланганлик кoeffициентига кўра баҳоладилар.

Кўриб ўтган туманидаги «Нурли диёр» маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хадича Шайминова биринчи, Шеробод туманидаги «Чинобод» ҳамда Термиз туманидаги «Солиобод» МФИлар маслаҳатчилари Зубайда Хўшбоқова ҳамда Нароат Раҳимбердиева тегишли равишда иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

БУГУНГИ СОНДА:

- ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ**
Хива: ҳам саёҳат, ҳам тижорат
4
- ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**
Сайловли дастуримиз ижросига кенг жамоатчиликни ҳам жалб этишимиз лозим
5
- ЖАРАЁН**
Бир лойиҳада бир йилда кашф қилинганлар
6
- ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ**
Табиатга таъсир кўрсатиш оқибати
7

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ахбороти	1 Австралия доллари	1933,43	1 АҚШ доллари	2541,65	1 Хитой юани	409,72	1 Польша злотийси	678,55	1 ЕВРО	2838,91
Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 2015 йил 9 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қийдаги қийматини белгилади:*)	1 Англия фунт стерлинги	3879,83	1 Миср фунти	333,55	1 Россия рубли	45,19	1 СДР	3562,02	10 Жанубий Корея вони	22,64
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мазкур валюталарни ўзбў қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	1 Дания кронаси	378,33	1 Исландия кронаси	19,06	1 Украина гривнаси	120,88	1 Туркия лираси	919,49	10 Япония иенаси	202,60
	1 БАА дирҳами	691,98	1 Канада доллари	2040,01	1 Малайзия ринггити	674,89	1 Швейцария франки	2700,44		

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

«ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУР»

дейди «XXI asr» мухбири саволларига жавоб берган O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши раиси Раҳматулла Камолов

— Аввало, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўғрисида» бундан ташқари «Хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш буйича вилоят партия ташкилотини томонидан амалга ошириладиган ишлар хусусида маълумот берсангиз»



— Мазкур фармон мамлакатимизда хусусий мулк ва унинг дахлсизлигини таъминлаш буйича изчил амалга ошириб келинаётган давлат сиёсатининг давоми сифатида тадбиркорлар мулкдорлар учун ўз фаолиятларини янада кенгайтиришда катта имкониятлар эшигини очиб берди, десак, муболага бўлмайдими. Бинобарин, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан давлат мулкчини хусусийлаштириш, мулкчилик шакллари хилма-хиллигига эришиш, шунингдек, хусусий мулк эгалари манфаатларини қўллаб-қувватлаш масалалари устувор йўналиш сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун доирасида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга киритилган қўшимчаларга мубофиқ туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботи эшитиладиган бўлди. Ушбу ўзгаришлар вилоятдаги депутатлик гуруҳлари фаолиятига қанчалик таъсир кўрсатади?

— Дарҳақиқат, Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги йўғилишида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Мамакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган қатор муҳим қонунлар маъқулланди. Қонунлар ижросини таъминлашда маҳаллий ҳокимият органларининг муҳим ўрин эгаллаши барчамизга маълум. Шундан келиб чиққан ҳолда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга киритилган янги қўшимчалар халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида фаолият кўрсатаётган депутатлар фаолиятини янада ортишига туртки бўлди, десак янглишмаймиз.

Шу ўринда 2014 йил давомида Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан фуқароларнинг икки юзга яқин мурожаатлари қабул қилиниб, улар буйича депутатлик сўровлари юборилгани, мутасадди идоралар вакилларининг ҳисоботлари эшитилиб, вилоят кенгаши сессияларига ўнга яқин таклиф ва масалалар киритилганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Депутатлик гуруҳининг янги таркиби эса партия электорати ҳуқуқларини қафолатловчи бир қатор қонун, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши,

худудлардаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитларнинг ажратилиши буйича назорат-таҳлил фаолиятини олиб боришга эътибор қаратмоқда. Шунингдек, депутатлик гуруҳи томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси, жойларда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш, автомобил йўллари ни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, ижро ҳокимияти тизимидаги ташкилот ва идораларнинг шитувларини ташкил этиш, шунингдек, юқорида тилга олинган масалалар буйича вилоят статистика, иқтисодиёт ва солиқ бошқармалари депутатлик сўровлари юборилган. Шундай бўлса-да, кўп сонли сайловчилар овозига эга бўлган ҳолда сайланган депутатлар, улардан иборат депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, халқ ноиблари ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни яхшилаш, мавжуд имкониятлардан унумлироқ фойдаланиш зарур, деб ўйлайман.

— Қуйи бўғин сифатида партия ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган БПТлар фаолиятига тўхталиб ўтсангиз.

— Таъкидлаш жоиз: ҳар қандай сиёсий партия уч асосий гуруҳи аъзолари томонидан фуқароларнинг икки юзга яқин мурожаатлари қабул қилиниб, улар буйича депутатлик сўровлари юборилгани, мутасадди идоралар вакилларининг ҳисоботлари эшитилиб, вилоят кенгаши сессияларига ўнга яқин таклиф ва масалалар киритилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Депутатлик гуруҳининг янги таркиби эса партия электорати ҳуқуқларини қафолатловчи бир қатор қонун, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши,

(28 фоиз)га ошган. Ўз навбатида бунга партия электорати бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларида БПТларни ташкил этиш буйича олиб борилган кенг қўламли тарғибот ишлари натижасида эришилганини айтиб ўтиш даркор. Яна бир эътиборли жиҳат: қуйи бўғинлар фаолиятига яқиндан ёрдам бериш мақсадида маҳаллий кенгаш депутатлари БПТларга бириктирилиб қўйилди. Натижада партияга аъзо бўлган ҳар бир фаол қуйи бўғинларга бириктирилган депутатнинг тегишли вакоҳимияти тизимидаги имкониятига эга бўлмоқда.

— Вилоят кенгаши томонидан кадрлар масаласи қай даражада ҳал этилмоқда? Бу борада сиёсий таълим маркази қандай чораларни кўраётми?

— Ҳақиқатан ҳам бир неча йилдирки, партия вилоят кенгаши ҳуқуқларидаги сиёсий таълим маркази ҳамда Мафқуравий ташвиқот-тарғибот бўлими томонидан Президентимиз асарлари, маъруза ва нутқлари, давлат дастурлари мазмун-моҳиятини ўрганиш, шунингдек, Сайловди дастурида белгиланган вазифаларнинг ижро этилишига бағишланган кўп босқичли сиёсий ўқишлар ташкил этиб келинмоқда. Аҳамиятлиси, мазкур ўқувларда 2010 йилда 4201 нафар фарғоналик либераллар иштирок этган бўлса, 2014 йилда 5515 нафар ва 2015 йилнинг биринчи чорагининг ўзида 1980 нафар тингловчи қатнашди.

Ўтказилган ўқув-семинарлар, давра суҳбатларида мунтазам иштирок этиб келаётган O`zLiDeP фаоллари партиянинг амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасига қўшилмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2014 йилда бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловлар арасида муносиб номзодларни саралаб олишда ушбу захирга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Шўҳрат ХўҲАЕВ суҳбатлашди.

Фармон моҳияти ва лойиҳа аҳамияти

O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Оилавий тадбиркорлик — мустақкам оилага» лойиҳаси доирасида «Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили» мавзусида давра суҳбати ўтказилди

Дилнора НОМОЗОВА, «XXI asr»

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — эндигина бизнесга кириб келган хотин-қизларга тегишли тавсиялар бериш, уларнинг фаолиятида учраётган муаммоларга ечим топишга кўмаклашиш, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан та-ништиришдан иборат бўлди.

Давра суҳбати давомида Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлида-

ги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

— Соҳага оид ҳуқуқий базанинг ривожлантирилиши натижасида аёллар орасида тадбиркорлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудирани Феруза Каримова. — Партияимиз ташаббуси билан ўтказилаётган лойиҳалар вилоят хотин-қизларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтириш борабарига уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилаётди.

Таъкидланганидек, 2014 йилда «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳасида 1069 нафар хотин-қиз иштирок этди. Фойдаланган 247 млн. сўм кредит ажратилиб, 18 та кичик корхона, тикув цехлари ташкил этилди. Натжида 47 нафар опа-сингилмининг бандлиги таъминланди. Жумладан, Форш туманида «Wave of Ocean» номли оилавий корхона ишга тушди. Унинг раҳбари Бозорғул Тураева «Агробанк» туман филиалидан 38 млн. сўм маблағ олди. Ғалларол тумани Жума қишлоғилик тадбиркор Зилола Шукурова эса «Микрокредитбанк» кредити эвазига янги тикув цехини очди.

Мулк — эркинлик омили

Гулистонда O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашда статистика ходимлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган мулоқот ўтказилди

Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr»

— Мазкур фармон мамлакатимизда хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва мавқеини тубдан ошириш борабарига унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтиришга оид тизимли ишларни янги босқичга кўтарди, — деди Гулистон шаҳар статистика бўлими бошлиғи Файрат Жабборов. — Жумладан, 2012-2014 йиллар мавқеини мустақкамлаш, мулк мавқеини мустақкамлаш, бизнес юритиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқининг қафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида» (янги таҳрири), «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари маҳсулотдаги улушини кўпайтиришга оид тизимли ишларни янги босқичга кўтарди, — деди Гулистон шаҳар статистика бўлими бошлиғи Файрат Жабборов. — Жумладан, 2012-2014 йиллар мавқеини мустақкамлаш, мулк мавқеини мустақкамлаш, бизнес юритиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган

лати. Инсоннинг бошқа барча ҳуқуқлари манбаи, фуқаролар ҳимояланганлигининг асоси, деб белгилаб қўйилгани, бир сўз билан айтганда, юртимизда бугунги кунда олиб борилаётган барча чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, мулкдорлар синфини рағбатлантириш ҳамда юртимизда тинчлик, оқсоқшалик, барқарорликни таъминлашга қаратилгани алоҳида таъкидланди.

Хавфсиз интернет бўйича менда фикр бор

Бугун интернет ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш борабарига уларнинг онгини заҳарловчи, фикрини бузувчи, тўғри йўлдан адаштирувчи воситага айланиб бормоқда

Сўхроб АКОБИРОВ, «Invocen Telecom» корхонаси раҳбари, O`zLiDeP Яққасарой туман кенгаши раисининг Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Зеро, глобал тармоқда миллий кадрларимизга зид бўлган, ваҳшийлик, гийҳвандлик, фоҳишабозлик каби жирканч иллатларни тарғиб қилувчи веб-сайтлар сони кўплиги ҳеч кимга сир эмас. Бу эса, ўз навбатида, хоҳласак-хоҳламасак ука-сингилларимизнинг маданияти, орият, қатъият каби тушунчаларидан йироқлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Хўш, бунинг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Фиркинча, аввало, миллий, яъни «uz» доменидаги сайтларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Ёшларни «сайтлар аслида нима учун ташкил этилади?» деган савол қизқитириши табиий. Жавоб ҳам оддий: биринчи галда аҳолининг ахборотга бўлган талабини қондириш учун. Аммо, афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам шу мақсадни кўзлаб ишлаяпти, деб бўлмайдими...

Ташкилотимиз таркибида бир неча «uz» доменили сайтлар фаолият юритади. Масалан, www.mytube.uz сайти. Бу сайтни очишдан кўзланган асосий мақсадимиз ҳамюртларимизнинг www.youtube.com номли хорж сайтларига қаратилган эътиборни ўзининг веб-саҳифасига жалб қилишдан иборат эди. Маълумки, айнан www.youtube.com сайти орқали юртимиз тинчлигига раҳна солувчи ёт ғоялар, диний экстремизмга чорловчи, тарғиб қилувчи видео-маҳсулотлар, порнографик видео фильмлар

кириб келяпти. Шу ўринда Ўзбекистоннинг ТАС-IX номли бепул локал интернет тармоғи ҳақида икки оғиз сўз. Бугунги кунда ёшларимизнинг қарийб 90 фоизи уяли телефон орқали интернет билан тиздан фойдаланади. Лекин уяли алоқа компанияларида ТАС-IX бепул интернет тармоғи йўқ.

Менимча, юртимиз ҳудудида фаолият юритаётган уяли алоқа компаниялари ўз абонентларига бепул тармоқни жорий қилмасан ҳам, уларга қўлайлик яратиш мақсадида миллий сайтларига яратиб бериши керак. Негаки, юртимизда маҳаллий ва хоржий сайтларга кириш бир хил нарҳда белгиланган. Ўзимизнинг сайтларга мобил алоқа орқали киришда чегирмалар жорий қилинса, фойдаланувчилар секин-аста хорж сайтларига киришни қисқартишлари аниқ. Бу эса кичик галаба деганидир. Нега дейсизми? Масалан, www.youtube.com сайтига бирон-бир футбол учрашуви ёки бошқа кенаркли видеоплаҳани кўриш учун кирган киши ўша сайтининг ўнг томонида қатор бўлиб турган жангари, шахвоний, ёт ғояларни тарғиб қилувчи роликларга қўзи тушиши табиий. Миллий сайтларимиз ёрдамида эса ўз-ўзиндан бегона ғояларни илгари сураётган ғарб сайтларига нисбатан иммунитет шакллантириш имтиязига қаратилган эътиборни ўзининг веб-саҳифасига жалб қилишдан иборат эди. Маълумки, айнан www.youtube.com сайти орқали юртимиз тинчлигига раҳна солувчи ёт ғоялар, диний экстремизмга чорловчи, тарғиб қилувчи видео-маҳсулотлар, порнографик видео фильмлар

ли ижтимоий тармоқларимизни шакллантириб, уларни ривожлантиришимиз даркор. Муҳими, бу тармоқлар назоратда бўлади. Хорж сайтлари ва ижтимоий тармоқларни назорат қилиш эса жуда ҳам мушкул.

Халқаро экспертлар берган маълумотларга кўра, дунё миқёсида ёшларнинг 38 фоизи ўзвонли руҳидаги сайтлар, 26 фоиз миллиятчилик характеридagi веб-саҳифаларни доим кўзатар экан. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистондан «odnoklasniki.ru» сайтига кунига 200 минг, «facebook» сайтига 90 мингга яқин, «мой мир» сайтига 40 минг нафардан ортқ киши қиради. Шу нуқтаи назардан ёшларнинг ҳолис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ёш авлод тафаккурида мафқуравий иммунитетнинг шаклланишига шароит яратиш, ахборот хуружларига қарши кураш ва махсус «антивирус»лар ишлаб чиқиш заруратини замон талаби сифатида қараш лозим, деб ўйлайман.

Ўз навбатида, O`zLiDeP томонидан ҳамкор ташкилот ва идоралар билан биргалиқда ишлаб чиқилган «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида ёшларда интернетдан фойдаланиш маданияти кўникмаларини шакллантириш, глобал тармоқдан умумий фойдаланиш жойлари, жумладан, интернет-кафелар фаолиятини мониторинг қилиб бориш каби йўналишлар буйича қатор чора-тадбирлар амалга ошириладигани тахсинга сазоворлигини айтиб ўтиш лозим. Шунинг учун ҳам сафдошларимиз юқорида айтилган таклифларимга ўз муносабатлари ва фикрларини билдирсалар хурсанд бўларимиз.

Ўтмишга саёҳат қилдирувчи фестивалъ

Бухоро шаҳрида вилоят ҳокимлиги, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг минтақавий бўлими, «Хунарманда» уюшмаси худудий бошқармаси ва бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида XIV «Ипак ва зирворлар» фестивали бўлиб ўтди.

Дунёнинг 50 дан зиёд давлатидан ташриф бурган маданият ва санъат номаёндалари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва хоржий сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этган тадбир доирасида Шероҳий қанали бўйида қад ростилаган дўнларда хунарманларнинг бетакор санъат асарлари, хусусан, марғилолик тўқувчиларнинг атласу адраслари, риштонлик ва гийҳвонлик кулоллар қўлида саҳал толган сопол идишлар, серқўйш дйримизнинг шифобахш ўсимликларини хушбўй гийҳлари армаркаси ташкил этилди.

Бухоронинг бетакор обидалари — «Ноҳидевонбеги», «Қўналдош» мадрасалари, «Тоқи Саррофон», «Тоқи Заргарон» худудлари, «Пойи Калон» ва «Ари» мажмуалари бўйлаб саёҳат қилган хоржиликлар ўзларини худди ўтмишда юргандек ҳис қилганини эътироф этишди. «Гавхунон» мадрасаси билан туташ яқинда эса «Палов сайли» ўтказилди.

Шу ўринда фестивалъ доирасида Баҳовуддин Наҳшбанд меъморий мажмуасида Ўзбекистон Фанлар академияси, Бухоро давлат университети, хоржий илмий муассасалар, «Бухоро Мерос» илмий-тадқиқот маркази олимлари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, шунингдек, маҳаллий сайёҳлик ташкилотлари мутахассислари иштирокда конференция ўтказилганини, унда вилоятда сайёҳликни ривожлантиришга қатта эътибор қаратилгани боис Бухоро ва унинг атрофидаги қадамжоларга ташриф бурюувчилар сони кейинги йилларда 15-20 фоизга ошгани, айниқса, Испания, Япония, Малайзия, Буюк Британия, Франция сингари давлатлардан келиб-кетувчилар сони кўпайгани таъкидланганини айтиб ўтиш жоиз.

Уч кун давом этган анъанавий фестивалъ Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги «Пойи Калон» мажмуасида танили саъяткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокидаги гала-концерт билан поёнига етди.

Аскар ИСТАМОВ.

Энг яхшилар сараланди

Термиз шаҳридаги муҳташам «Ёшлар марказида» O`zLiDePнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилган «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг Сурхондарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик даврининг дастлабки йилларида қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан таъминланган хўш ҳимоя қилиш, истеъдодли, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, уларнинг ишбилармонлик кўникмаларини янада ривожлантириш давлатимиз белгилаб олган сиёсатининг устувор йўналишига айланди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан бир неча йилдан буюн ўтказиб келинаётган анъанавий танлов ҳам ана шундай улуг мақсадларга хизмат қилмоқда. Жорий йилги танловнинг вилоят босқичида ишбилармон талабалар томонидан кенг намойиш этилган гоя ва инновацион лойиҳаларнинг барчада катта қизиқиш уйғотгани бунга яққол мисолдир. Туман, шаҳар босқичларида гойиб бўлган ўттиз нафардан ортқ изланувчан, ишбилармон талаба қатнашган кўрик-танлов якунида Жарқўрган туманидаги 5-академик лицей ўқувчиси Маъмура Шарифованинг замонавий ахборот технологияларида интернетнинг миллий бизнес-режаси биринчи ўринга фойдаланиб, иш юритишга асосланган бизнес-режаси биринчи ўринга муносиб топилгани маълум қилинди. Иккинчи ўрини Термиз тиббиёт коллежи ўқувчиси Озода Жангированинг помидорни қайта ишлаб, аҳолига арзон ва сифатли помидор қайласини етказиб беришга доир лойиҳаси эгаллади. Ангор туман машиш хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Турғун Ҳасановнинг расомчилик, чизмачилик соҳасидаги изланишларига учинчи ўрин насиб этди.

Мамлакат босқичига йўлланма олган гоилибар партиянинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М.НУРМАНОВ.

ПАРТИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

ХИВА: ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ТИЖОРАТ

Кейинги йилларда мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, туризм юқори даромад келтирувчи истиқболли соҳалардан биридир. Бугун Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва нуфузи жиҳатидан дунёдаги етакчи ўн мамлакатдан бири саналади.

Дилноза НОМОЗОВА,
«XXI asr»

О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан Хивада ташкил этилган «Туризмни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни» мавзuidaги амалий семинарда ана шулар хусусида сўз юритилди. Сайёҳлик хизматини ях-

шилаш, унинг сифат даражасини оширишда хотин-қизларнинг иштироки тобора кенгайиб бораётгани эътироф этилди.

— Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида белгиланган дастур доирасида хорижлик сайёҳларга 132 минг доллар ҳажмида хизмат кўрсатилди, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Г.Атамуратова. — Туризмни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига

хос ўрни бор. Миллий анъаналаримиздан келиб чиқиб, тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш, бола тарбияси билан машғул опа-сингилларимизни хунармандчиликка кенг жалб этишга ҳаракат қилаёмиз. Хусусан, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасининг босқичма-босқич амалга оширилиши хотин-қизлар ичидан янгидан-янги истеъодларни юзага чиқармоқда.

Тадбирда сўзга чиққан «Ичан Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси ходими, БПТ раиси Лочинбек Матрасулов Хиванинг кўҳна шаҳарга хос маданият ва санъат намуналари бир неча асрдан бери хорижликларни ўзига жалб этиб келаётганини таъкидлади.

Ҳозирги кунда туман ҳудудида жами 114 та, жумладан, «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси тасарруфидagi 53 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, улардан 21 таси музей, биттаси эса зиёратгоҳдир.

Қадимий обидалардан 28 таси фойдаланиш учун тадбиркорларга ижарага берилган. 5 тасида ресторан, биттасида меҳмонхона хизмати



йўлга қўйилган.

«Дешон қалъа» ҳудудидаги 33 та иншоотдан икkitаси, яъни «Нуруллабой» ва «Қибла Тозабог» мажмуалари сайёҳлик йўналишига ихтисослаштирилган.

Меҳрибон Матёкубова «Ичан қалъа»да 35 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаб, миллий анъаналаримизни муносиб равишда давом эттирмоқда. Унинг устахонасида жило топан ипак сўзана ва гиламлар

юқори сифати билан ажралиб туради. Шу боис харидорларни ўзига жалб этмоқда.

«Агробанк» туман бўлими мутахассиси Шерзод Якубов ўз сўзида хотин-қизлар тадбиркорлиги ва соҳанинг молиявий имкониятларига тўхталди. Қайд этилганидек, ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 15 млн. сўм кредит йўналтирилган. Жорий йилда эса 25 млн. сўм ажратиши кўзда тутилмоқда.



Оилавий тадбиркорлик — фаровонлик манбаи

О'zLiDePнинг Сайловолди дастурида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, меҳнат шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишда ҳудудларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда

Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr»

О'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Дилором Каримованинг айтишича, ўтган йили ўз бизнесини бошлаш ва ривожлантириш истагида бўлган аёлларга «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида банклар томонидан 377,2 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган. Бунинг натижасида 500 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш партиянинг дастурий мақсадларидан бири. Кейинги йилларда оилавий тадбиркорликка кенг эътибор қаратилаётганлиги тўғрисида аёллар ўртасида бандлик даражаси сезиларли даражада ошди. Уларга бизнес-ғоя танлаш ва истиқболли режа тайёрлашда яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Бугун вилоятдаги 10027 нафар партия аъзосининг 3500 нафарга яқинини хотин-қизлар ташкил қилади. 1011 нафар аёл эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Янгиер шаҳрида ўтказилган «Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омилли» мавзuidaги ўқув-семинарда ана шулар хусусида фикр юритилди.

— Тадбиркорликнинг оилавий шакли ҳар жиҳатдан қулай ва манфаатлидир, — деди халқ депутатлари Янгиер шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлиги гуруҳи аъзоси Г.Жонжигитова. — Энг муҳими, уй бекалари ўз касб-хунарлари орқали хонадон даромадига даромад қўшиш имкониятига эга бўлишади. Қолаверса, оилавий бизнесни маҳаллалар, айниқса, чекка ҳудудларда кенг йўлга қўйиш янги иш ўринлари яратишда долзарб аҳамиятга эгадир. Янгиер шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Э.Ботиров, Халқ банки ходими А.Туратов имтиёзли кредит турларидан фойдаланиш, уни қайтариш шартлари ва бу борадаги ҳужжатларни расмийлаштириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари тўғрисида маълумот бердилар.

— Фаолият бошлаганимга ўн йилдан ошди. Ушунда атиги икки нафар тикувчи бор эди, — дейди «Бекажон Ян» хусусий корхонаси раҳбари, О'zLiDeP аъзоси Эркиной Мамажонова. — Бугунги кунда жамоамизда 50 нафардан зиёд ёш меҳнат қилишади. Ўтган вақт ичида «Ташаббус» қўриқ-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши хунарманд», республика босқичида эса «Энг яхши тадбиркор аёл» йўналиши бўйича ғолибликка эришдим. Бу эса кучимга-куч, гайратимга-гайрат қўшмоқда.

Эркиной тикувчилик билан бирга қандалчилик, сартарошлик соҳасида ҳам фаолият юритади. Шу ҳисобдан 2012 йилда 16 та, 2013 йилда эса 10 та янги иш жойи очди. Мустақилликнинг йилгирма икки йиллиги арафасида «Шухрат» медали билан тақдирландики, бу унинг меҳнат ва изланишларига берилган муносиб баҳодир.

Семинар доирасида бизнес-режалар тақдироти ҳам ўтказилди. Шу асосда иштирокчиларнинг танлаган йўналишлари, етакчилик қобилияти мутахассислар томонидан атрофлича таҳлил қилинди. Энг яхши ишбилармон вилоят босқичига тасвია этилди.

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Соғлом бола — соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир» мавзuida давра суҳбати ўтказилди

«Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси амалда

Ўз мухбиримиз

Тадбирда мамлакатимизда баркамол авлодни камол топтириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармонлар, қарорлар, давлат дастурларининг ижроси хусусида сўз юритилди. Жумладан, Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришда, интернет муҳим асос бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Наманган шаҳридаги «Ишонч» маҳалла

фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зуҳра Топилдиева баъзи оила-

— **ТАДБИР ДАВОМИДА 350 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ БЕПУЛ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛИБ, ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН 80 НАФАРИГА БЕПУЛ ДОРИ-ДАРМОНЛАР ТАРҚАТИЛДИ, — ДЕЙДИ О'zLiDeP ВИЛОЯТ КЕНГАШИ АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ, ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ ОШИРИШ БЎЛИМИ МУДИРИ МАРҲАБО ЧЎЛЛИЕВА.**

ларда ота-она назорати етишмаслиги натижасида вояга етмаган ўсмирлар бўш вақтини асосан компьютер клубларида ўтказаятгани, интернет орқали тарқатилаётган ахборот хуружларидан уларни ҳимоя этишда барча бирдек масъул

эканлигини алоҳида таъкидлади. Семинар давомида партия фаоллари хотин-қизларга яратилган шароит ва имтиёзлар,

олиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзuida амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Оила» илмий-амалий маркази масъул ходимлари ва тадбиркор аёллар иштирок этди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва уларни бартараф

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида О'zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фа-



етишнинг аҳамияти хусусида вилоятда мавжуд бўлган муаммолар муҳокама этилди.

— Тадбир давомида 350 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, ҳамкор ташкилотлар томонидан 80 нафарига бепул дори-дармонлар тарқатилди, — дейди О'zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Мархабо Чўлбиева. — Опа-сингилларимизга ўз соғлиғига бефарқ муносабатда бўлмасдан, вақтида шифокор кўриғига келиш зарурлиги ўқтирилди ва касалликларнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш кераклиги айтиб ўтилди.

этишнинг аҳамияти хусусида вилоятда мавжуд бўлган муаммолар муҳокама этилди.

— Тадбир давомида 350 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, ҳамкор ташкилотлар томонидан 80 нафарига бепул дори-дармонлар тарқатилди, — дейди О'zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Мархабо Чўлбиева. — Опа-сингилларимизга ўз соғлиғига бефарқ муносабатда бўлмасдан, вақтида шифокор кўриғига келиш зарурлиги ўқтирилди ва касалликларнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш кераклиги айтиб ўтилди.

«Насиба Абдуҷабборовна» кредитни нима қилади?

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан 2015 йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган 106 та тадбирга 8 мингдан зиёд хотин-қиз жалб этилди.

— Гап уларнинг сонидан эмас, балки натижаларидан, — дейди мазкур бўлим раҳбари Дилрабо Раҳмонова. — Айни пайтда вилоятимиздаги партия аъзоларининг 38 фоизини аёллар ташкил этади. Улар сафини янада кенгайтириш, билим ва кўникмаларини бойитиш, мавжуд қонулар ва ҳукумат қарорларининг муҳим жиҳатларини тушунтиришга ҳаракат қилаёмиз.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, биргина «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган тадбирларда бизнес-режа тузишдан тортиб, уни иқтисодий асослаб бериш, имтиёзли кредит ва грантлар олишда бевосита амалий кўмаклашяпти.

2014 йилда ушбу лойиҳа доирасида 23 нафар аёлнинг 239 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олишига кўмаклашилди. — «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасида иштирок этиб, тижорат банкидан 50 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олдим, — дейди Шўрчи туманидаги «Насиба Абдуҷабборовна» хусусий корхонаси раҳбари Айгул Худойбердиева. — Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиб, янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қилаёмиз.

«Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳасида ўз номига муносиб соғлом турмуш тарзи омалаштирилади. Бу борада, айниқса, ўтган йилги тажриба жуда қўл келаяпти. Бўлим томонидан хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, репродуктив саломатлигини асраш, эрта турмуш қуришининг салбий оқибатларини мавзуларида ўтказилаётган тадбирлар самараси ва кўлами ортиб бораётди.

Жамиятнинг энг муҳим бўгини ҳисобланган оилалар тинчлиги ва фаровонлиги пировардида мамлакат равиқига хизмат қилади. Ҳамжиҳатликдаги меҳнат эъзвига топилаётган даромад эса кундалик эҳтиёжни қоплаши билан бирга оила аъзолари ўртасидаги меҳр-муҳаббатни ҳам мустаҳкамлайди. Бунга О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар яққол мисол бўла олади.

Ўз мухбиримиз.

Олтин тухум қўяр экан...

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд шаҳар кенгаши «Туризмни ривожлантириш истиқболлари: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни» мавзuida давра суҳбати ўтказди

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

Қайд этилганидек, кейинги йилларда Самарқандда сайёҳлик инфратузилмаси такомиллаштириб бормоқда. Хусусан, вилоят ҳудудидаги қадимий ёдгорликлар ва муқаддас қадимжоларни реконструкция қилиш, зиёратчиларга қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Янги йўналишлар йўлга қўйилиб, замонавий меҳмонхоналар ишга туширилаётди. Асл қиёфасини сақлаган ҳолда янгича жило ва чиройга эга бўлган кўҳна осори-атиқалар, мақбара ва масжидлар, мадраса ва миноралар дунёнинг турли қитъаларидан туристларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этапти.

Тадбирда Бутунжаҳон туризм

ва сайёҳлар кенгаши экспертлари томонидан яқин ўн йил давомида туризмнинг Ўзбекистон яли ички маҳсулотидagi улуши ҳар йили 6,2 фоизга ошиб бориши кутулаётганлиги қайд этилди. Дунё мутахассислари томонидан мазкур соҳа бежиз олтин тухум қўйувчи товуққа бежиз менгалмаган. Чунки айни пайтда иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми бир неча триллион долларни ташкил этаёпти. Жаҳон яли маҳсулотидagi улуши эса 9 фоиздир. Дунёдаги 40 дан зиёд мамлакатда туризм давлат бюджетининг асосий манбаи ва 70 мамлакатда бюджетнинг учдан бир қисмини ташкил этаётганини инобатга олсак, кўп нарса ойдинлашади.

— Жорий мавсум Самарқандга 70 га яқин давлатдан 200

мингга яқин сайёҳнинг ташрифи кутулкида, — дейди «Ўзбектуризм» Миллий компанияси минтақавий бўлими бошлиғи Илҳом Сувонов. — Ўтган йили туристик фирмалар ва меҳмонхоналар 150 минг нафар сайёҳга хизмат кўрсатди. Шундан 87,5 минг нафари чет эл фуқаролари, 62 минг нафари маҳаллий аҳоли вакилидир. Вилоятда мавжуд 89 та меҳмонхона ҳамда 65 та сайёҳлик фирмаси томонидан шу йилнинг ўтган даврида 35 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилди.

О'zLiDePнинг айни шу йўналишга жиддий эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Зеро, соҳа инфратузилмасини такомиллаштириш, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш, хорижий компаниялар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш каби

О'zLiDePнинг Сайловолди ПЛАТФОРМАСИДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАНИДЕК, ПАРТИЯ МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШНИ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФА, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

бир қатор масалалар партия Сайловолди дастуридан ўрин олган.

Соҳада ўз хизматларини кўрсатиб келаётган партия электорати эса туризмнинг деярли барча

шакллари, хизматлар экспорти, сервис ва кичик бизнеснинг туризм йўналишидаги самарадорлигини ошириш, экотуризмни ривожлантириш борасида аниқ тақлифларни билдирдилар.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 24 (604)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИМИЗ ИЖРОСИГА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИ ҲАМ ЖАЛБ ЭТИШИМИЗ ЛОЗИМ

О`зЛиDeP тузилмалари томонидан жойларда ўтказилаётган кенг қамровли акция, кутилганидек, ҳар жиҳатдан ижобий натижалар берапти

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Маълумки, ўтган йил нихосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловда О`зЛиDeP ўз Сайловолди дастурини кенг жамоатчилик тақдим қилган эди. Партиямиз илгари суратланган гоёлар аҳолининг аксарият қисми томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, балки маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳам яққол исботлади.



Шунинг учун ҳам О`зЛиDePнинг барча бўғинлари фаолияти бугун айнан мана шу дастурда илгари сурланган гоёл ва мақсадларни босқичма-босқич ҳаётга таъбиқ қилишга қаратилганлиги бежиз эмас. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш кераки, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи маърузаларнинг ижросини наинки партиясиз фаоллар, балки кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бугун халқ ичига янада фаолроқ кириб бориш, одамларга олдимиздаги мақсад ва вазифалар, уларни амалга ошириш йўллари ва кутилаётган пировард натижалари янада ойдинроқ тушунириш, шу орқали маслаҳатларимиз сафини янада кенгайтириш ҳозирги босқичда партиясиз фаолларнинг олдидаги энг муҳим вазифага айланган.

▼ АНИҚ САВОЛГА

— *Исталган корхона, ташкилот ва муассасаларда О`зЛиDeP бошланғич ташкилотлари ташкил қилиниши мумкинми?*

— Партия Уставига биноан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармаларда ҳамда таълим муассасаларида бошланғич партиясиз ташкилотлари тузилишига йўл қўйилмайди.

да қандай натижаларга эришдилар?
Маъруза акция бошланганидан буён ўтган 1,5 ой мобайнида партиясиз маҳаллий ташкилотлари мутасаддилари катта-кичик 6373 та меҳнат жамоаси аъзолари билан бевосита мулоқотга киришдилар. Эътиборлиси, ана шу суҳбатлар чоғида фаоллар юқорида тилга олинган масалалар билангина чегараланиб қолмай, балки одамларнинг, хусусан, партиясиз аъзо бўлмаган кишиларнинг О`зЛиDeP ҳақидаги ҳолис мулоҳазалари, унга нисбатан муносабатини билишга қизиқдилар, сиёсий куч салоҳияти хусусида эркин фикр алмашдилар. Олиб бориладиган ана шундай қизғин фаолият ўз ижобий самараларини бермоқда. Рақамларга мурожаат қилайлик: шу кунгача партиясиз 9116 нафар аъзо қабул қилинди (янгилари аъзоларнинг кўпчилиги тадбиркорлар ва фермерлар экани эътиборга молик), 61 та БПТ ташкил қилинди, айни пайтда аҳоли томонидан қўтарилган 300 га яқин масала ўрганилмоқда.

Партия Пискент туман бўлими кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўйича бош консултант Гулро Тургунбоевнинг айтишича, айрим ҳолларда фуқароларга республикамиздаги партиясизнинг устувор мақсадлари билан тафовутларни тушуниришнинг, бирма-бир изоҳлашнинг ҳолати бўлмайпти. Зеро, аксарият ҳаётларимиз бундан ўзи бу даражада хабардор. Шу билан бирга улар О`зЛиDePнинг қисқа давр ичида Ўзбекистондаги етакчи сиёсий кучлардан бирига айлангани ҳам яхши билишади. «Азимжон Азамат Музаффаров» фермер хўжалиғида ташкил этилган муъажаз давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, бунинг сабаби — хусусий мулк эгалари ўтган йиллар мобайнида воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз қарашлари, муносабатлари билан жамиятнинг илғор қисми, етакчи куч экинликларини исботлай олдилар. Ислохотларни чуқурлаштиришдан, жамиятни эркинлаштиришдан айнан ана шу қатлам кўпроқ манфаатдор. Чунки улар моддий неъмат яратганлари учун ҳам ўз мол-мулкларининг қадрига етадилар. Ана шу неъматларнинг фарзандларига, яқинларига асқотишини истайдилар. Бундан-да яхши кунлар умидида эртанги кунга интиладилар. Қабул қилинаётган қонунларнинг барқарор бўлиши ва сўзсиз ижро этилишидан, тўрачилик, маҳаллийчилик, таъмағирлик сингари иллатларнинг тезроқ барҳам топишидан, хусусий мулк дахлсиз бўлишидан кўпроқ манфаатдордирлар.

— Акция давомида асосий йўналишлар қатори аввалдан мавжуд қуйи бўғинларимиз билан алоқаларимиз ҳам янада мустаҳкамланаяпти, — дейди партиясиз Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирова Болтаева. — Чунки жойларда қуйи бўғинларимизда ҳам бўлиб, уларнинг ишчи янада жонлангани, сафарлари кенгайтиришга қаратилган турли тадбирлар ўтказаяпти. Масалан, «Сана» масъулияти чекланган жамиятида рўйхатдан ўтган бошланғич ташкилотимизда уюштирилган учрашувларимиз яхши натижа берди — БПТга ёш, ташаббускор, иқтидорли аъзолар қўшилди.

Умуман олганда, партиясиз шаҳар кенгаши масъуллари шу пайтгача 60 дан зиёд ташкилотга кириб, гоёвий-сиёсий муносабатлар ўтказдилар.

— Партия вакилларининг таширифи биз учун айни муддао бўлди, — дейди шаҳардаги «Қашқадар» маъхус курилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилшод Кичкинаев. — Боиси, ҳамкасбларим сингари менинг ҳам сиёсий қарашларим О`зЛиDeP илгари суратланган гоёлар билан ҳамохан. Суҳбат давомида ўзимни ўйлантириб келаётган талай саволларга аниқ ва муфассал жавоб олишга муваффақ бўлдим. Олган билимларим баъзи иқтисодчиларимга чек қўйди. Пировардида қатъий қарорга келиб, ушбу сиёсий куч сафига ўтдим.

Шунинг баробарида, кенгаш ходимининг куйинчилик билан сўзлашича, айрим кишилар томонидан «қуйин, сиёсат билан шуғулланишимизга ҳали анча вақт бор», «биз сиёсатдан йироқ одамларимиз», «партия бизга нима бериши мумкин» каби кўплаб гаплар ҳам айтилди, турли-туман баҳсли фикрлар, гоёлар ўртага ташланди. Худуддаги ташаббускор маслаҳатчиларимиз қайд этганидек, бундай ҳолатлар бўлиши табиий, ундан чўчиш керак эмас. Зеро, ҳақиқат бахс-мунозараларда юзага чиқади, фикрлар, гоёлар кураши ва зиддияти тўғрисида оғ-тафаккур ривожланади, ҳолатлар яхшиланади. Эътиборлиси, партиясиз вакиллари билан юзма-юз мулоқотлардан сўнг айрим бепарво одамлар ҳам ўз фикрларини ўзгартиряптилар. Бир жамиятда яшаб, шу жамиятга кечает-

ган жараёнлардан четда туриш мумкин эмаслигини тушуниб етаяптилар. Шу тариқа — муносабатлар ўзгарилаётган ташвиқот тадбирлари, жонли ва самимий руҳдаги мулоқотлар натижасида ҳисобот даврида республикамизда либерал-демократлар сони узлуксиз ортиб борапти.

Бу борада Қашқадар, Тошкент, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари кенгашлари тарихидаги партиясиз маҳаллий ташкилотлари пешқадамлар қаторида дадил оқимламоқдалар. Чунки, партиясиз аъзолари Қашқадар вилоятида 1403 нафарга, бошланғич ташкилотлар 20 тага кўпайган бўлса, Тошкент вилоятида бу кўрсаткичлар мос равишда 890 ва 6 тагича ташкил қилди.

Бироқ баъзи ҳудудий кенгашлар тарихидаги партиясиз ташкилотлари ўз имкониятларини самарали фойдалана олмаётганлиги қайта таъкидланаётган. Айтилик, Сирдарё вилоятида ҳисобот даврида 303 киши партиясиз сафига кирди, 1 та янги таянч бўғин иш бошлади. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу борадаги вазият шунга ўхшаш. Партиясиз ҳудудий кенгашлари бундан тегишли хулосалар чиқариб, фаолиятни жонлантириш учун зарур чораларни кўриши тақозо этиляпти, албатта.

Қориди қайд этилганидек, маъруза акция давомида фаоллар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратаётганлар. Тадбиркор ва фермерлар дуч келаётган айрим мушкулотлар, йўлларнинг аҳоли, транспорт қатнови ва коммунал соҳага доир масалалар шунга ўхшаш. Ёзма ва оғзаки шаклдаги шикоятлар, мурожаатлар тўғрисида, ҳар ҳафтада партиясиз юқори органига тақдим этилаётган. Улар умумлаштирилиб, ўрганилмоқда, имкон қадар маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан жойида ҳал этилмоқда.

Масалан, Когон туманидаги «Савр» ва «Жомард-Жамол» фермер хўжалиқлари раҳбарлари кишлоқ хўжалиғи техникаларини ёқилги билан таъминлашда қийинчиликлар мавжудлигидан, шу тумандаги «Тутқунда» МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи ер эгалари эса баъзи техника воситалари етишмовчилигидан шикоят қилдилар. Маъруза муаммолар партиясиз воситалар билан тез фурсатда, жойида электротехника вакиллари фойдасига ҳал этилганини мамнуният билан қайд этиш зарур. Шунингдек, Нуруобод туманидаги «Ҳаётхон омад» хусусий корхонасига қўшимча жой ажратиш, Қораўзақ туманида фермерлар маҳсулотларини сотиш учун овул фуқаролар йиғинлари марказларида савдо шохбачалари ташкил этиш, Бағдод туманидаги «Сойибжон Сотволдиев боғи» ҳамда «Алимардон-агро» фермер хўжалиқларига банкдан кредит ажратишга оид ва бошқа бир қанча масалалар ўрганилмаяпти, улар ечимни бўйича тегишли ишлар олиб борилаяпти. Бундай амалий ишлар, шубҳасиз, аҳолида партиясизга нисбатан ишончни янада мустаҳкамла-

«ПАРТИЯ ЎЗ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ МОҲИЯТИНИ АҲОЛИ ЭЪТИБОРИГА САМАРАЛИ ТАРЗДА ЕТКАЗИШ, ЖОЙЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИ МУНТАЗАМ ЎРГАНИБ БОРИШ, УЛАРНИ ПАРТИЯВИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ, ШУ ЖУМЛАДАН, МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН ЗАХИРА ВА ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТОПИШ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРАДИ».

О`зЛиDeP Уставидан.

Таянч нуқталар кимларга ишонч билдираяптилар?

О`зЛиDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Бошланғич партиясиз ташкилотларининг умумий йиғилишларини, шунингдек, туман (шаҳар) ҳамда ҳудудий партиясиз ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференцияларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида» қарорига асосан жойларда қуйи бўғинларнинг умумий йиғилишлари бўлиб ўтмоқда

Ўз мухбиримиз

Таъкидлаш жоизки, бу тадбирларда туман ва шаҳар конференцияларига делегатлар сайлаш кун тартибидagi асосий масала сифатида атрофлича муҳокама қилинаяпти. Айниқса, кимларни делегатликка сайлаётганлиги, нима учун айнан шу кишиларга ишонч билдираяпти, деган саволлар ўртага қўйилаётгани диққатга сазовордир.



Шу ойда ўтказилувчи туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партиясиз ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари арафасидаги бундай фаоллик бежиз эмас, албатта. Зеро, партиясиз аъзолари туман (шаҳар) кенгаши ва нозорат-тағтиш комиссияси аъзоларини сайлашда овоз беради. Шунингдек, делегат нафақат сайлаш, балки ўзи ҳам тилга олинган партиясиз раҳбар органларига сайланиши ҳам мумкин.

сьулиятли ишларда фаол катнашади.

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси БПТлар билан ишлаш сектори бош мутахассиси Сардор Маликовнинг маълум қилишича, айни кунга қадар умумий йиғилишлар жами бошланғич ташкилотларнинг қарийб 72 фоизидида уюштирилди. Ушбу жараёнда 6 мингдан зиёд маслаҳатчи делегат сифатида ишонч билдирилди.

— У БПТ етакчиси сифатида сафдошларига ўрнатилган талай тадбирларга бош-қош бўлаяпти. Кейинги пайтда бу борадаги ишлар анча жонланганлигини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Бунда биргина овоз ҳам халқ қилувчи аҳамият касб этиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак. Шу билан бирга делегат О`зЛиDeP дастурий мақсадлари, партиясиз Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда ҳудудий партиясиз ташкилоти қарорлариди белгиланган вазифаларни бажариш бўйича тадбирларни белгилаш ҳамда юқори турувчи кенгаш конференциясига делегатларни сайлаш каби ма-

Хусусан, Жиззах шаҳридаги «Азиза» хусусий фирмасида рўйхатдан ўтган БПТ йиғилишида қуйи бўғиннинг 9 аъзоси ҳамда шаҳар партиясиз ташкилоти масъул ходимлари, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари, «Заргарлик» МФЙ фаоллари катнашди.

Кун тартибидagi асосий масала юзасидан О`зЛиDeP шаҳар ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари Муҳаммад Адилова сўзга чиқиб, навбатдаги конференцияда иштирок этиш учун қуйи бўғин аъзолари орасидан делегат сайлаб, у ҳақда-

«Партия фаолиятини кузатганим сайин,...»

Бир неча йилдан буён Самарқанд таянч тиббиёт касб-хўнара коллежиди тадбиркорлик йўналиши бўйича дарс бераман. Эътибор этишим кераки, ёшларимизнинг бу соҳага қизиқиши кучли. Айниқса, маслаҳатлар орасида ўз бизнесини бошлаш тараққидоли юрганлар талайгина. Шу даврда улар яхши натижаларга, бенибат қўлдан ҳаёт муҳтож бўлади. Бинобарин, уларнинг иштирокчиларини О`зЛиDeP ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани таъсирга сазовордир. Ўтган йили «Диплом билан бизнес» партиясиз лойиҳасининг вилоят босқичида 9 нафар битирувчи йиғит-қизини қатнашиб, барчаси банклардан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан таъминланган эди. 3 млн.дан 10 млн. сўмгача кредит олган ташаббускор ёшларимиз бугунги кунда ўз бизнесини йўлга қўйиб, эл-юртга нафис томоқда. Жорий йилда эса маъруза лойиҳада 10 нафар битирувчининг иштирокида 9 млн.дан 20 млн. сўмгача сармоя олиш ҳуқуқига эга бўлишди. Масалан, Достон Ҳотамовнинг замонавий новвойхона барпо этишга доир бизнес-режаси талов ташкилотчиларига маълум бўлди. Битирувчининг лойиҳасида ҳорижий технологиялар асосида янгича кўринишдаги нон ишлаб чиқариш ҳамда тўй-ҳашамларга буюртма асосида нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш аҳоли эҳтиёжига мос ва иқтисодий томондан манфаатли экани асослаб берилган. 20 млн. сўм миқдорда кредит ажратилган, болловчи тадбиркор ишга киришди. Айни кунларда ҳорижандан зарур ускуна-дастгоҳлар келтирилмоқда. Ўқувчиларимдан яна бири Омонжон Жўракулов эса чорвачилик билан жиддий шуғулланиши мақсад қилган. Унинг шори — «Озу лекин соз бўлсин». Яъни, у кам сонли эзтли қорамоллардан нисбатан кўп миқдорда гўшт ва сут етиштириб, шунга яраша даромад оломоқчи. Хўлас, партиясиз навқирон авлод вакиллари ана шундай қўллаб-қувватлаши, доимий эътибор қаратиши нур устига нур бўлмоқда. Бир педагог сифатида шогирдларимнинг сиёсий кучининг пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар тўғрисида ҳаётга ўз ўрнини топаётганидан, Ватанимиз раванжига муносиб хисса қўлиши имконига эга бўлаётганларидан хурсандман. Умуман, партиясиз фаолиятини кучайтириш қўзғатганим сайин, унинг саъй-ҳаракатлари кенг миқёсда ва самарали эканига, эл-юрт манфаатлари йўлида сиддиқидилан хизмат қилаётганига шунчалик кўпроқ ишонч қиламан. Келгусида ўзим ҳам ушбу партиясиз фаол аъзоларидан бири бўлишни, сиёсий кучининг халқимиз фаровонлиғига, юртимиз тараққиётига хизмат қилувчи дастурий мақсадлари рўёбга чиқиши йўлида астойдил ишлашни ният қилдим.

Дилрабо ЖўРАЕВА.

ЖАРАЁН

БИР ЛОЙИҲАДА БИР ЙИЛДА КАШФ ҚИЛИНГАНЛАР

O`zLiDeP`нинг «Мулкдор оила» лойиҳаси оилавий бизнес билан шуғулланаётган тadbиркорлар сафини янада кенгайтириш, уларга имтиёзли кредитлар бериш механизмининг такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, илгор тажриба ва инновацияларни, замонавий агротехник тadbирларни қўллаш, табиий ва муқобил энергия манбаларидан хусусий иш юритишда кенг фойдаланиш имконини бермоқда

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Лойиҳа доирасида ўтказилаётган семинарларда қатнашаётган деҳқон хўжаликлари ҳамда оилавий тadbиркорлик субъектлари бизнес-режаларини амалга ошириш мақсадида бошланғич сармоани шакллантириш учун етакчи тижорат банклари ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритаётти.

Хусусан, ана шундай тadbирларда муборақлик Гўлсара Шерова ва Лола Тоированинг она-момаларидан қолган қадриятларни давом эттириш, шунингдек, ушбу саъй-ҳаракатлари ёрдамида даромад олиш ниятида гилам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, балиқчилик билан шуғулланиб келаётган гўзорлик Лайло Холматованинг тармоқни кенгайтириш мақсадида янги сув ҳавзаларини ташкил этиш, қосонлик Ситора Мирзаеванинг қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тузилган бизнес-режалари молия муассасалари мутасаддиларига маъқул келгани боис янги орада ҳаётга татбиқ этилиши кутилаетти.

— Лойиҳада илк бора иштирок этаялман. Фаолиятимни ривожлантиришга ёрдам берадиган билим ва тажрибага эга бўлганлигимдан мамнунман, — дейди касбилик Зулхумор Фойибова. —



Зеро, мазкур тadbирлар давомида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришда банк-молия муассасалари томонидан амалга оширилаётган чора-тadbирлар ҳақида батафсил маълумот олдик. Тан олиш даркор: бугунги кун ишбилармони ҳуқуқий-иқтисодий билимларга эга бўлиши керак. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, лойиҳа мен каби тadbиркор аёллар учун тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади, десам янглишмайман. Молиявий кўмак олсам, иссиқхона ташкил этиш учун ускуналар харид қилиб, 15 та янги иш

ўрни яратаман.

Маълумотларга кўра, 2014 йили «Мулкдор оила» лойиҳасининг туман ва шаҳар bosқичларида иштирок этган 460 га яқин хусусий тadbиркорлик субъекти вакиллари орасидан 35 та бизнес-режа муаллифлари саралаб олинди, вилоят bosқичида иштирок этиш тавсия этилган. Лойиҳа якунида эса уларнинг қиймати 426 млн. 287 минг сўмга тенг бўлган бизнес-режалари тижорат банклари томонидан молиялаштирилиб, 70 га яқин янги иш ўрни яратилган.

Лойиҳанинг бу йилги туман ва шаҳар bosқичлари доирасидаги семинарлар да-

вомида иштирокчиларга оилавий тadbиркорликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, деҳқон хўжалигига асосланган оилавий бизнесни ташкил этиш, суғурта бозори, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва афзалликлари, шунингдек, банкдан кредит маблағини олиш йўллари ва ундан самарали фойдаланиш, гаров таъминотининг турлари ва гаров ҳужжатлари, бизнес-режаларни расмийлаштириш тартиблари тўғрисида батафсил ахборот берилди.

— Ушбу лойиҳада биологикаларимиз ишлаб чиқариш қувватини икки баробарга ошириш учун молиявий

кўмак олиш ниятида иштирок этаялман, — дейди касбилик Абдурашид Ширинов. — Режаларимиз амалга ошса, вилоятимиздаги тўртта туманида жойлашган фермер хўжаликларини гўза зараркунда-ларидан асрашда ёрдам берадиган фойдали ҳашаротлар билан таъминлаш имкониятига эга бўламиз.

Қаршилик Абдусалим Мўминов хусусий клиника фаолиятини йўлга қўйиш учун 1 млрд. сўм молиявий кўмак олишни мақсад қилган бўлса, лойиҳанинг яна бир қатнашчиси Момогул Дўстмуродова вилоят марказида қўриладиган уч юлдузли меҳмонхонада юртимиз фуқаролари ҳамда хориқлик сайёҳларга намунали хизмат кўрсатишни режалаштирган.

Шу ўринда бу йил лойиҳанинг туман ва шаҳар bosқичларида иштирок этган 330 дан ортиқ субъект вакиллари орасидан 80 нафар бизнес-режа муаллифлари саралаб олинди, вилоят bosқичида иштирок этиш учун тавсия этилганни айтиб ўтиш лозим. Энг муҳими, лойиҳа якунида тижорат банклари томонидан уларнинг бизнес-режаларини амалга ошириш учун 1 млрд. 600 млн. сўмга тенг кредит ажратиш, бунинг натижасида 120 га яқин янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Навоийда тadbиркорлар 42 нафарга кўпайди

Улар партияимиз томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Мулкдор оила» лойиҳаси иштирокчиларидир

Мансур АСЛОНОВ,
XXI asr»

Мазкур лойиҳа доирасидаги ўқув-семинарларнинг Навоий шаҳрида ўтган вилоят bosқичида O`zLiDeP` вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари мутасаддилари, ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тadbирда мамлакатимизда хусусий ишлаб чиқариш субъектлари, жумладан, оилавий тadbиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, бу эса соҳа тараққиётида катта имкониятлар яратаётгани алоҳида таъкидланди.

— 2013-2014 йиллар давоми-

да ушбу лойиҳада иштирок этган 80 нафарга яқин иштирокчига тижорат банкларидан жами 545 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилиб, 123 та янги иш ўрни яратилганди, — дейди O`zLiDeP` вилоят кенгаши бўлим мудири Болиқул Йўлдошев. — Танловнинг жорий йилги туман (шаҳар) bosқичларида ўзини кўрсатган мингга яқин қатнашчи орасидан саралаб олинган 100 нафар иштирокчи вилоят bosқичида голийлик учун курашди.

Улардан 42 нафарининг маҳаллий ҳом ашёлардан импорт ўрнини босувчи, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш ғояларига асосланган лойиҳалари банклардан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга муносиб топилди.

Семинар сўнида голийларга партия фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида банк сертификатлари тантанали равишда топширилди.

Партияимиз ҳузуридаги сиёсий таълим марказлари жойлардаги бошланғич ташкилотлар ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ўқув машғулотлари самарадорлигини таъминлаш йўлида изланишлар олиб бораёттир.

Ўқиганда уққан либераллар

Гулмира АМИРОВА,
O`zLiDeP` Сурхондарё
вилоят кенгаши ҳузуридаги
Сиёсий таълим маркази
раҳбари

Бундай салмоқли ишни амалга оширишда Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси, O`zLiDeP`нинг дастурий мақсад ва вазифалари муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунга мувофиқ бошланғич ташкилотлар ва партия фаоллари учун доимий фаолият юритувчи илмий-амалий семинар-тренинглари, интерфаол усулдаги давра суҳбатлари ва бошқа ўқувлар ташкил этиб, тартибот ишларини кучайтираётимиз. Хотин-қизлар ва ёшларнинг ишбилармонлик қобилиятини янада мустаҳкамлашга кўмаклашялгимиз.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бермоқда. Жумладан, O`zLiDeP` уставида бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, партиянинг депутатлик бирлашмалари аъзоларига сиёсий таълим беришнинг самарали йўналиши яратиш, илгор фикрлайдиган, жамиятни ислох қилиш шариоатида фаолият олиб боришга, партия олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этишга қодир кадрлар захирасини шакллантириш, уларни давлат ҳокимиятининг икром этувчи органларидаги лавозимларда фаолият кўрсатишга тайёрлаш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган. Бўш лавозимларга тавсия этилаётган фаолларимиз ўқувларда олган билим ва кўникмаларини намойён қилиб, ишончимизни оқламоқда.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йили жойларда ташкил этилган ана шундай машғулотларда ўз билиминини оширган 446 нафар бошланғич ташкилот раисидан 289 нафари, 269 фермер хўжалиги раҳбаридан 169 нафари маҳаллий катталари тантанали равишда топширилди.



сайловчилар ишончига сазовор бўлганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, кадрлар захирасига олинган мутасаддиларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг мамлакатимизда содир бўлаётган янгиликларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш борасида олиб бораётган ишларини ҳам устувор вазифалар ечимини топишга ёрдам бермоқда.

Сиёсий таълим маркази ўқувларида фаол қатнашган кўплаб партия фаолларининг бугунги кунда турли вазифаларда меҳнат қилаётгани бунга яққол мисолдир. Хусусан, Сарбосиё туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини раисини Очидил Хидиров туманда ташкил этилган ўқувларимизда фаол қатнашди. Изланиб, билим ва маҳоратини муттасил ошириб боради. Ўтган йилги сайловда ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сиёсий етуқ, чуқур билимли партияимиз аъзосига катта ишонч билдириб, у кишини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб сайлади. Партия аъзоси, Марказий банк вилоят бош бош бошқармасининг собиқ бошлиги Миродулла Турсунов, вилоят адлия бошқармаси собиқ бўлим бошлиғи Ҳамдам Расулнинг сиёсий таълим маркази ўқувларида олган билим ва кўникмалари уларнинг Олий Мажлис Қўнғуғиниқ палатаси депутатлари этиб сайланишида ўзига хос аҳамият касб этди.

O`zLiDeP` вилоят кенгаши

«Маҳалла» маҳаллаларни қўллаб-қувватламоқда

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан матбуот анжумани ўтказилди

Нигора НИШОНБЕКОВА, «XXI asr»

Мазкур фонднинг Республика бошқаруви раиси ўринбосари Д.Аллаев фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятдаги нуфузини ошириш билан бирга ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш муҳим вазифалардан биридир. Шу маънода «Маҳалла» фонди томонидан маҳалла йиғинлари биносини қуриш, мавжудларини таъмирлаш, керакли жиҳоз ва ўқув адабиётлари билан таъминлашга эътибор қаратиб келинмоқда. Биргина ўтган йилги фонд томонидан қарийб 8 миллиард сўм сарфланиб, фуқаролар йиғини маъмурий бинолари таъмирланди.

Анжуманда «Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тadbирлар Дастури» маҳалла институтини фаолиятини тубдан яхшилаш ва янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

— Ушбу дастур фуқаролар йиғинлари ходимлари малакаларини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимли методик ёрдамни ташкил этишга қаратилган, — дейди фонд бош мутасаддиси Э.Қаршиев. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 7799 нафар ходимнинг малакасини оширишга кўмаклашилгани фикримизнинг тасдиғидир.

«Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 500 нафар уруш қатнашчига замонавий телевизорлар улашилди. «Саховат» ва «Муровват» уйларида яшовчи ногиронлардан 5 минг нафарига мавсумий кийим-кечак топширилди.

Анжуман якунида ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга фонд мутасаддиларидан атрафлича жавоб олдилар.

Маълумоти, кейинги йилларда юртимизда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни судда адолатли ҳал этиш, тadbиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда

Мулкдор манфаати мустаҳкам ҳимояда

Ойбек АСАТОВ,
Самарқанд вилоят хўжалик суди раиси ўринбосари

Фикримиз исботи тариқасида ўтган йилнинг ўзида биргина Самарқандда вилоят хўжалик суди томонидан 19 миңдан ортиқ даъво қўриб чиқилгани, даъвогарлар фойдасига 760 млрд. 893 млн. сўм ҳамда 839,2 миң АҚШ доллари миқдоридagi қарз ёки етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилингани, ўз навбатида, тadbиркорларнинг 16 млрд. 594 млн. сўмлик маблағи уларнинг ўзларига қайтарилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича келиб тушган 868 та аризани ўрганиш жараёнида мазкур мурожаатларнинг 64 тасида тadbиркорлар ҳуқуқи ва манфаатлари бузилгани аниқланган. Жумладан, Давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига

мурожаат қилиб, МЧЖ шаклидаги «Чаптор-Наврўз Сервис» агросаноат фирмасига нисбатан 27 млн. 259 300 сўм миқдорда молиявий жарима қўллашни сўраган. Аризанда келтирилишича, корхонада ўтказилган режали текшириш якунларига кўра, 2009-2012 йиллар давомида 14 734 800 сўм миқдордаги маблағ мақсадсиз сарфлангани ва 98 миң сўм камомат аниқланган. Аслида бу ҳолатда корхонага нисбатан ДСИ вакиллари қайд этганидек, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан эмас, балки корхона мансабдор шахсларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан жавобгарлик белгилашни лозим. Юқоридагилардан келиб чиқиб суд Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этди.

Хўжалик судларида даъвогар ёки жавобгар сифатида қатнашаётганлар орасида фермер хўжаликлари борли-

гини эътиборга олсак, аграр соҳани ривожлантираётган қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида ёндашилаётганини айтиш ўринлидир. Чунончи, 2014 йилда фермер хўжа-

минг сўм асосий қарз ва 293 миң 532 сўм пеня ундириш бўйича қарор чиқарди. Кези келганда айтиш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиғи ва шартнома мажбуриятлари бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонига асосан, ўтган йили вилоятда корхона ва ташкилотларнинг айбдор мансабдор шахсларига нисбатан 5 та маъмурий чора қўлланилиб, улардан жами 2,2 миң. сўмлик жарима ундирилди. Шунингдек, 48 нафар шахсга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий чораларни қўллаш ҳақида хусусий ахримлар чиқарилди.

Мазкур фармонга мувофиқ қўлланилаётган бундай таъсир чоралари корхоналарни иқтисодий ноқорликка олиб келаётган мансабдор шахслар масъулиятини кучайтиришга қаратилгандир. Сўзимизга ўтган йили банкротликка доир кўрилган ишлар сонини 2013 йилга (1032 та) нисбатан 557 тага камайиб, 475 тани ташкил қилгани даволат бўла олади. Эътиборлиси, хусусий тadbиркорлар ва бошқа хў-

жалик юритувчи субъектлар вакиллари қулайлик яратиш мақсадида 6943 та даъво ариза улар жойлашган манзилларда сайёр суд мажлисларида қўриб чиқилди. Бу амалиёт тadbиркорлар-

нинг вақти ва маблағини тежаш, энг муҳими, ишбилармонларнинг ҳуқуқий билимини ошиши, низоларни янада сифатли ҳал этишга ёрдам бермоқда. Қолаверса, ўтган йили узоқ ҳудудда жойлашган даъвогар ёки жавобгарлар учун суд процесслари онлайн усулида маъмурий тарзда ташкил этилиши хўжалик судлари фаолиятини яна бир ютуғи бўлди, десак янглишмаймиз. Зеро бугун, айтилик, хоразмлик тadbиркор Самарқандда бўлган жорий юритаётган корхонадан ўз маблағини ундириш учун олис масофани босиб ўтмасдан, видеоконференциал алоқа ёрдамида ўз ҳудудидаги хўжалик суди биносига келиб судда қатнашган ҳолда низоини ҳал этиши мумкин. Мазкур алоқа тизими ўтган йилнинг сентябрь ойидан жорий этилган бўлиб, йил охиригача шу усулда 34 та иш кўрилди. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида эса 45 та ишда тарафлар вакиллари шундай қулайлик яратилди.

Эътиборлиси, хусусий тadbиркорлар ва бошқа хў-

аппаратида меҳнат қилиб, марказимиз билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ёш мутахассислар — Икром Фозилов эндиликда вилоят ҳокимлигининг ташкилий кадрлар бўлими, Акрам Шукуров

Ўқиганда уққан либераллар

шаҳар ҳокимлиги, Мухаммадали Мамадалиев вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасидаги масъул вазифаларга тавсия этилиб, айни пайтда самарали фаолият юритмоқда. Умуман олганда, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Анвар Раҳманов, Шеробот педагогика коллежи директори, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Панжи Хўшбоқов каби кўплаб раҳбарларнинг марказимиз таълимининг олгани маънавий-сиёсий пиллапов вазифасини ўтади, десак муболағ бўлмайди.

Таълим марказимизда қишлоқда етакчи кучига айланган — фермерлар учун ташкил этилаётган ўқувларимиз уларнинг нафақат иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашмоқда, балки раҳбарлик лавозимларига кўтарилишида ҳам ёрдам бераётти. Мисол учун, Ангор туманидаги «Холмурод», Олтин туманидаги «Янги турмуш», Қизилқум туманидаги «Усанбобо» фермер хўжаликлари раҳбарлари Акмал Эшмуродов, Аҳмад Маждидов ва Норқувват Саттаров бугунги кунда туман фермерлар кенгаши раиси лавозимларида фаолият юритмоқда.

Машғулотларда мунтазам иштирок этган кўплаб сафдошларимизнинг турли давлат органларига масъул вазифаларга ишга ўтаётгани, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига депутат этиб сайлангани таълим сифати ва самарадорлигини янада оширишга ундамоқда. Шунга мувофиқ ишлаб чиқилган жорий йилги дастурларимиз асосида энг чеҳра, олис ҳудудлардаги бошланғич ташкилотлар, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида турли мавзуларда ўқувлар ташкил этилган. Кексаларни эъозлаш йилининг дастлабки чоригида 545 нафар бошланғич партия ташкилотни етакчилигининг сиёсий билими оширилди. Ўқув машғулотларимизга бир ярим миң нафарга яқин партия аъзоси жалб этилди.

АНИҚ САВОЛГА АНИҚ ЖАВОБ

Кўчаларда сотилаётган, турли таъм ва рангдаги ичимликларнинг сифатини ким белгилайди?

Бундай ичимликлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган рўйхатдаги озқувий қўшимчалар қўшилган ҳолда ишлаб чиқарилади. Уларнинг кўча-қуйда, баъзан офтоб тегида сотилишига келсак, ёруғлик, кўш нурлари ичимлик таркибидagi озиқ-овқат моддаларига салбий таъсир кўрсатади. Уларни ёш болалар истеъмол қилмагани маъқул. Чунки қўшимчалар озқувий бўлса ҳам, синтетик йўллар билан олинган. Катталар ҳам фақат салқин жойда сақланган шарбатларни ичиши мумкин.

Колбасани сифали сақлаш мuddати ҳақида маълумот берсануз?

Колбаса асосан пиширилган ва ярим дудланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Пиширилганлари +2+6 даража ҳароратда (ўралган қўригига қараб) 20 суткагача, ярим дудлангани эса бир ойгача сақланади. Таркибда крахмал ва туз миқдори меъёрдан ортиқ бўлган колбасалар стандарт талабларига жавоб бeрмайди. Шу боис харид қилаётган чегингизда уларнинг сифат сертификатини билан қизиқинг.

Саволларга Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси бўлим бошлиғи Васила Абдуллаева жавоб берди.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

«Етти миллиард орзу. Ягона сайёра. Оқилона фойдалан»

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Экологик ҳафталик-2015» доирасида қатор тадбирлар ўтказилди. Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан 1972 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Унга Стокгольм конференцияси якунига бўйича қабул қилинган резолюцияга мувофиқ асос солинган. Ушбу сана жорий йилда «Етти миллиард орзу. Ягона сайёра. Оқилона фойдалан» шiori остида ўтказилди. Зеро, сайёрамизда аҳоли сонининг ўсиб бориши, табиий ресурсларга бўлган эҳтиёж ҳам муттасил ортиб бораётгани ер ости ва ер усти бойликлридан оқилона фойдаланишни тақозо қилмоқда.

«Экологик ҳафталик-2015» дастури ранг-баранг бўлиб, унинг доирасида кўргазмалар, илмий-амалий конференциялар, брифинглар, тақдиротлар, янги технологияларнинг намойиши ва бошқа кўлаб тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтида спорт экологик марафони ўтказилди. Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махус тазлим вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигидаги мазкур тадбирда 100 метрга югуриш, минн футбол бўйича турнир ўтказилди. Нигора НИШОНБОЕВА.

Ҳиндистоннинг жанубий штатларида ҳаддан зиёд иссиқ ҳаво ҳарорати кузатилди. Эътиборлиси, мазкур мамлакат бундан 60 йил илгари ҳам худди шундай жазирамани бошдан кечирган экан. Ҳа, ёз ўз ташрифини шу тарзда нишонлади гўё. Минг афсуски, бу қимматга тушди. Сабаби жазирама кўплаб одамларнинг ёстиғини қуритди

ТАБИАТГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ОҚИБАТИ

Акбар ХУЗАФФАРОВ, «XXI asr»

Мазкур воқеадан сўнг Бутунжаҳон метеорология ташкилоти маълумотларида ёё фасли иссиқ ва нисбатан қуруқ ўтиши қайта-қайта таъкидланмоқда. Умуман олганда, об-ҳавога тегишли баъоратларга назар ташласак, 2016 йилдан 2035 йилга қадар сайёрамизда ҳарорат тахминан 0,7 даража, 2081 йилга бориб эса 1986-2005 йиллардаги кўрсаткичга қиёслаганда қарийб 2 даража кўтарилиши тахмин қилинаётир. Доимий музликларнинг эриш жараёни тезлашиб, океанлар сатҳи салкам 5 метрга кўтарилиш эҳтимоли мавжуд. Хусусан, 2081-2100 йилларда уммон сувлари сатҳи 1986-2010 йиллардагига нисбатан 0,98 метргача кўтарилиши қайд этилмоқда. Бу ўз навбатида, тошқинлар кўпайишига, ер қўचилари ва эрозияга, балкиқлар ҳамда қуруқликдаги жонзотларнинг пала-партиш миграциясига сабаб бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат, инсоният ўтган давр мобайнида тараққиётга эришаман, деб она табиятга нисбатан ҳўжасизларча муносабатда бўлиб келди. Бошқача айтганда, биз атроф-муҳитдаги мувозанатнинг издан чиқишини билатуриб эътиборсизлик қилдик. Бунинг салбий оқибатлари қиш кузатилмайдиган жойларда кутилмаганда қор ёгиши, аксинча, доимо соvuқ об-ҳаво ҳўкм сурадиган ўлкаларда ҳароратнинг илиқ келиши сингари кўплаб аномал ҳодисалар миқолида яққол намоён бўлаётир.

Узоққа бормайлик. Поёнига етган

қиш фаслидаги ҳолатни эсланг. Айни қаҳратонда ҳаво ҳарорати одатдагидан исиб кетди. Қиш қишлигини қилмади. Бир икки марта қор ёққанини ҳисобга олмганда, деярли изгирин бўлмади. Дов-дарактлар эрта уйғонди. Март ойини сўнгги кунларида келган соvuқ ҳаво оқими эса экин-тикнига салбий таъсир ўтказди.

Қишлоқ ҳўжалигига иктисослашган олимларнинг таъкидлашича, олмаларнинг ўз таъмини ўзгартираётганига айнан глобал исиш сабабчи экан. Тахлиллар олмаларда кислоталилик ва сувлиликнинг пасайгани, қанд моддаси микдорининг ошганини кўрсатган. «Nature Scientific Reports» журналида ёзилишича, глобал исиш ҳодисаси олма дарактларининг эрта гуллашини келтириб чиқараётир.

Ҳақиқатан ҳам глобал исиш янги минг йилликнинг ўта муҳим ва рад этиб бўлмас муаммоларидан бирига айланди. Инсоният юз йиллардан буён ҳавога ис газларини тўхтовсиз чиқариб келди. Бугун эса ўша фаолият учун товон тўлаяпти. Бироз ортга назар ташлайдиган бўлсак, 1992 йилда Рио-де-Жанейрода атроф-муҳит масаласига бағишлаб ўтказилган саммитда вазият ташвишли экани, атмосферага чиқарилаётган саноат газлари бутун сайёрани газ камerasига айлантириб қўяётгани тўғрисида очиқ-ойдин далиллар келтирилган. Аммо қатор йирик давлатлар ҳўкумати мавжуд ҳолатга етарли даражада эътибор қаратмагани айни ҳақиқатдир. Ўша беъэтиборлик бугун ўз мевасини бера-

япти. Ўтган йили АҚШнинг ўнлаб штатларида қалин қор ёғиб, қаҳратон соvuқ забтига олган бир пайтда Атлантика океанининг бошқа тарафида дарёлар ўзанидан тошди. Чуночки, Португалия, Испания, Франция, Буоқ Британия, Ирландияда қайта-қайта эсган кучли шомол ҳамда жала ўз ортидан зиён-заҳматни етаклаб келди. Қурбонлар кузатилди.

Австралияда эса мутлақо бошқача манзара ҳўкм сурди. Ҳароратнинг ҳад-

дан зиёд исиб кетиши туфайли ўрмон ёнғинлари келиб чиқди. «Тилсиз ёв» минглаб гектарлардаги дарактларнинг кулини кўкка совурди. Мазкур давлат иқтисодиётига, флора ва фаунасига катта зарар етди. Гарчи Шарқий ва Жанубий Осиёда тўфонлар азалдан оддий саналса-да, сўнгги йилларда уларнинг кўлами анча ошгани хавотирга сабаб бўлаётир.

Юқорида қайд этилгандек, илмий тадиқотлар қутблардаги муз қатламлари эрий бошлаганини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳар йили океан ва денгизларнинг сув сатҳи кўтарилиб бораяпти. Мисол учун, Шимолий Норфолк қирғоғи сингари жойларда денгизни ўз жойида ушлаб туриш учун темир-бетон тўсиқлар қўйишга миллионлаб евро маблағ сарфланаяпти.

Энг қизиғи шундаки, баъзилар ҳаво ҳароратининг кўтарилишини ижобий ҳолат дея баҳоламоқда. Бунга орадан 30 йил ўтиб, Жанубий Англия ҳудудларида апельсин ўстириш имкони пайдо бўлиши мумкинлиги мисол қилиб кўрсатишмоқда. Айниқса, бундан маҳаллий фермерлар кўпроқ манфаатдордир. Улар ҳаттоки иссиқ ёз ва қуруқ қиш мавсумларини мўлжаллаб уруғ сотиб ола бошлаганлар.

Шарқ мамлакатлари учун эса умумий манзара бироз ташвишлироқ, Жумладан, Форс кўрфази, Жанубий Африканинг бир қатор давлатлари иқтисодиётларининг нефть ва газга боғлиқлиги сабаб теварак-атроф муҳофазасига етарлича эътибор қаратилма-

япти. Натижада табиатнинг қутилмаган аломатлари ўзини кўрсатмоқда. Чад, Мали, Нигер каби мамлакатларда ёгингарчилик ҳар 10 йилда 10 фоиз камаймоқда. Саҳрои Кабирнинг қўм «океани» кенгаймоқда. «Жиловланмаган» барханлар яилволарга бостириб келаяпти. Ҳисоб-китобларга қараганда, Жазоирда ёгингарчиликнинг 15 фоиз қисқариши деҳқончиликка мўлжалланган ерларнинг ишдан чиқишига ва шаҳарларга кўчиб кетувчилар сонининг ошишига

ланилаётгани оқибатида хавф остида турибди. Бундан ташқари, океандан келаётган зарарли моддалар ҳам унга катта зиён етказаятир. Шу боисдан табиатнинг нодир туҳфасини йўқолиб кетмасидан ҳимояга олиш тўғрисида жуда кўп гапирилаяпти. Аммо амалий иш ҳали жануз ортга сурилаятир.

Турли халқро анжуман ва конференцияларда глобал иқлим ўзариши оқибатида келиб чиқаётган салбий ҳолатлар жуда кўп муҳокама қилинади.



сабаб бўлаётир. Маълумот ўрнида қайд этиш керак: Жазоирнинг умумий ер майдони 2 381 741 км.кв ташкил этса-да, унинг атиги 3 фоизи ҳайдаладиган ерлардир. Шунга ўхшаб вазиятни Мароқашда ҳам кўриш мумкин.

Албатта, иқлим ўзаришини бутунлай тўхтатишнинг имкони бўлмаса-да, уни секинлаштириш мумкин. Бунинг учун, энг аввало, ҳавога саноат чиқиндисифатида чиқарилаётган газлар тарихибидаги карбонат ангидрид гази микдорини камайтириш керак бўлади. Тўғри, бу борадаги муваффақиятли ишлар илмий мақолалар ва турли интоблар саҳифаларида бажарилаяпти. Аммо назарияни амалиётга кўчирмасак, табиятга нафимиз тегармикан? Мисол учун, ўта шафқоф сувлари билан машҳур бўлган Белиз маржонқоялар тизими ҳудуднинг туризм ва саноат мақсадларида ҳаддан ташқари кўп фойда-

Таклиф-мулоҳазалар билдирилади. Лекин ана шундай тадбирларнинг аксарияти якунида яқдил қарорга келинмаслиги ҳам бор гап. Ваҳоланки, глобал тусдаги муаммони бир ёки икки давлатнинг савъ-ҳаракати билан бартараф этиб бўлмайди.

Кези келганда, масаланинг бошқа томонини ҳам эътиборга олиш зарур. Яъни, мутахассислар газларни атмосферага чиқариш жараёни камайтирилгани билан иқлим исилши давом этишини таъкидлашмоқда. Чунки музликларнинг қайта ўзаришга юз тутиши учун юз йиллаб вақт керак бўлади. Бундан ташқари, атмосферага чиқарилган газларнинг зарарсизланиши учун бир неча йиллар зарур.

Шу ўринда мамлакатимизда атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Таъкидлаш ло-

Нуронийлар оромгоҳи

Олтиариқ туманидаги «Олтариқ» сихатгоҳида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган нуронийлар саломатлигини тиклаб, мароқли ҳордиқ чинармоқда.

Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли муассасада дам олувчилар шифобахш сув ҳамда ўтtagа яқин физиотерапевтик муолажалар орқали даволанади. Қизилтепа қишлоғида жойлашган сихатгоҳ ўзининг шифобахш булаклари, диний яйратувчи бетанор маназаралари билан ҳам ажрғаль тиради. 300 ўринга мўлжалланган муассасада мексаларга сифатли ва малакали хизмат кўрсатиш жараёнида сувести массаж муолажалари, парафин, бассейн, минералли ванналар, айланма душ, юқори частотали ток ва паст частотали электр нуралирдан фойдаланилади.

— Санаториямизда саломатлигини тиклаётган фўқароларнинг асосий қисмини ёши улут инсонлар, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этади, — дейди «Олтариқ» сихатгоҳи бош шифокори Шохсанам Мамаризаева. — Улар ҳудудий меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш органилари томонидан берилган бепул йўлланма асосида муассасанизга келади. Кексаларни эълозлаш йилида мижозларимиз ҳар қачонгидан ҳам кўпайган. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини иқтимоий қўллаб-қувватлашни янада кўчайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талабларидан келиб чиқиб, ўттиз кишилик ўрин доимий тарзда мазкур тумфдаги нуронийлар учун ажратилди. Замонавий жиҳоз ва воситалар билан таъминланган, барча қулайликларга эга ушбу хоналарда йил бошидан буён юзга яқин уруш ва меҳнат fronti фахрийси соғлигини тиклади. Бу ерда давоналаётган фахрийлар учун Фарғона, Марғилон, Кўкон, Андижон шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштирилиб, санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари намойиш этилаяпти.

— Юртимизда гўзал, ҳушманзара масканлар, дам олиш сихатгоҳлари кўп, — дейди II-жаҳон уруши қатнашчиси 85 ёшли Мухторжон ота ўрнибоев. — «Олтариқ» сихатгоҳи менга жуда манзур бўлди. Бу ерда ўзини тетиж ва бардам ҳис қилаялман. Биз фахрийлар доимо ҳурмат ва эътиборга лшяялмиз, шундай шароит ва ганҳурлик учун Юртбошимиздан миннатдорман.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

➤РЕКЛАМА ЎРНИДА

Имконият ва эътибор самараси

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамгармаси бугун мамлакатимизда хусусий секторни қатор маҳсулотлари ва хизматларини ички ва ташқи бозорга чиқариш, соҳага чет эл инвестициялари ҳамда янги технологияларни жалб этиш мақсадида кўпгина истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда

Фахриддин НУРАЛИЕВ, «XXI asr»

Хусусан, мазкур жамгарманинг Наманган вилояти филиали маҳаллий тадбиркорлар томонидан маҳсулот чиқариш маҳсулотларни хорижга йўналтириш, тижорат банкларини чет эллик ҳамкорларга етказиш орқали харидорларни излаш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатардан ҳимоя қилиш, бошқа мамлакатлар қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертифицикатлар олишда ишбилармонларга ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 5 та тадбиркорга

ташқи бозорларни ўрганиш ва хориждан ишончли ҳамкор топишда, 14 та тадбиркорга хорижий давлатлар қонунчилигидан келиб чиқиб талаб қилинадиган ҳўжжатлар, сертифицикат ва лицензиялар олишда ҳамда божхона расмийлаштирувида, 11 та тадбиркорга экспорт шартномаларини тузиш ва рўйхатга қўйишда кўмаклашилди ва 12,5 миллион долларлик маҳаллий маҳсулотнинг Хитой, Россия, Қозогистон каби давлатларга экспорт қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорлар экспортга кўмаклашиш, уларнинг муаммоларини тезкор ҳал этиш мақсадида худуд-

ларда доимий равишда давра суҳбатлари ташкил этилиб, товар ишлаб чиқарувчилар ташқи бозорга чиқиш қонун-қоидаларига оид янгиликлар билан таништириб борилаятир.

— Туманимиз ҳудудида етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини яқка тартибда хориж бозорига олиб чиқиш осон эмас, албатта. Шу маънода мазкур жамгарманинг ташкил этилиши айни мудида бўлди. Унинг амалий кўмаги ва жойларда ўтказаяётган бу каби тадбирлари мушкулимизни осон қилмоқда, — дейди Уйчи туманидаги «Уйчи Ровот» агрофирмаси раҳбари А.Абдуллаев.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари экспорттини қўллаб-қуватлаш жамгармаси Наманган филиали жамоасининг хорижий давлатлар ташқи савдо амалиёти билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини чуқур ўрганиш, жойларда тадбиркорлар билан беvosита учрашувлар ташкил этаётгани эътиборга лойиқдир. Бизнес вакилларига амалий ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асортименти ва турларини, шунингдек, уларни ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни бундан ҳар томонлама хабардор қилиб туришга барча имкониятлар тўлиқ сафарбар этилаётгани амалий ишларда яққол асб этиб турибди.

➤РЕКЛАМА ЎРНИДА

Истеъмолчи истаги устун

Кейинги йилларда нафақат шаҳар аҳолиси, балки чекка қишлоқларда маҳсулот харид қилаётган харидорлар ҳам сотиб олинаётган товар сифати, хусусиятлари, яроқлилик муддатига оид маълумотлар билан обдон танишишга ҳаққат қилмоқда. Табиийки, бундай эътибор маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан ўз товарлари сифатини янада ошириш, мутасадди ташкилоту идоралардан эса буни тегишли тартибда назорат қилишни тақозо этади. Мазкур жараён қай тартибда амалга оширилмоқда? Соҳада қандай янгиликлар рўй берапти? Ана шу саволларга жавоб олиш мақсадида «Олмалиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси фаолияти билан танишдик

Зиёдулла МЎМИНОВ, «XXI asr»

— Олмалиқ шаҳрида мингга яқин тадбиркорлик субъекти ҳамда йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатаётир. Бугунги кунда улар товарларни ишлаб чиқарилаётган ёки қайта ишланаётган ҳар бир маҳсулот, шунингдек, хориждан келтирилаётган товарлар аҳолига барча талабларга жавоб берадиган ҳолда етиб бориши, умуман олганда, бозорларимизнинг доимо сифатли маҳсулотлар билан тўлиб туриши таъминлаш, шу тарика истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш ҳодимларимизга катта масъулият юкласи табиий, — дейди корхона директори Ақлбек Мустафаев. — Малакали мутахассислар тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчилар мурожаатларини қисқа муддатларда қўриб чиқиш, хусусан, тақдим этилган маҳсулот синовини ўтказиш, уларга мувофиқлик сертификатларини

Бундан ташқари, истеъмолчилар манфаатини инобатга олган марказимиз томонидан аввал сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекция назорати ҳам ўтказиб турилишини таъкидлаш даркор. Масалан, чиқарувчилар мурожаатларини қисқа муддатларда қўриб чиқиш, хусусан, тақдим этилган маҳсулот синовини ўтказиш, уларга мувофиқлик сертификатларини

Ўз навбатида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги «Товарларни электрон шаклда божхонада расмийлаштириш жараёни тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилдан бошлаб импорт маҳсулотларга расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатларини автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш жараёни йўлга қўйилганини, бунга кўра, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 957 етиб бориши, умуман олганда, бозорларимизнинг доимо сифатли маҳсулотлар билан тўлиб туриши таъминлаш, шу тарика истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш ҳодимларимизга катта масъулият юкласи табиий, — дейди корхона директори Ақлбек Мустафаев. — Малакали мутахассислар тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчилар мурожаатларини қисқа муддатларда қўриб чиқиш, хусусан, тақдим этилган маҳсулот синовини ўтказиш, уларга мувофиқлик сертификатларини

Мазълумки, тадбиркорларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида иншон саломатлиги учун хавфли бўлмаган айрим маҳсулотлар ҳукуматимизнинг тегишли қарориди билан мажбурий сертификатлаштиришдан озод этилган. Шундай бўлса-да, бугунги кунда яқин хориж мамлакатлари ҳўжжатларини тан олиш йўли билан жами 2600 га яқин мувофиқлик сертификати расмийлаштириб берилганини кўриш мумкин.

Табиятнинг нодир туҳфасини йўқолиб кетмасидан ҳимояга олиш тўғрисида жуда кўп гапирилаяпти. Аммо амалий иш ҳали жануз ортга сурилаятир.

Ўзбекистон БМТнинг иқлим ўзариши бўйича конвенциясини ратификация қилган. Унинг ижроси юзасидан юртимизда ишлаб чиқаришга замонавий механизмларни таتبқи этиш, автомашиналарни экологик тоза ёқилғига ўтказиш, қишлоқ ҳўжалигида тежамкор технологияларни кўлаш, мўқобил энергия манбаларидан фойдаланиш каби вазифалар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Мўқобил энергия манбаларини

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги исплохотларнинг изчилигини таъминлашда дастуриламал бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида иссиқлик газлари эмиссиясини камайтириш, нефть, газ, кимё, энергетика корхоналарини реконструкция қилиш, экологик соф энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилаяпти.

Экологияни асрашда тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор ҳамюртларимизнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилмоқда. Яъни, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида экологик аҳолини яхшилаш ишларида жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга ургу берилаётир. Шунингдек, юртимизда минтақавий ва глобал экологик муаммоларнинг инсоният тараққиётига салбий таъсирини камайтириш мақсадида анжуманлар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда экологик тангликни ҳал этишда халқро ҳуқуқ тамойилларини қўллаш самаралари тарғиб этилаятир.

Хуллас, табиятга билиб-билмай таъсир кўрсатиш тўхтатилмас экан, бу ҳаракат йиллар ўтиб салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

дарти талабларига жавоб берадиган интеграллашган сифат тизимлари жорий этилди.

Лушбатдошнинг таъкидлашича, «Олмалиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси томонидан бу ерда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг салоҳити, малака ва тажриба алмашинувига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, ҳозир марказда 43 нафар ходим фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг аксарияти олий маълумотга эгадир. Ўз навбатида кейинги вақтда корхонага ёшлар, жумладан, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга жалб этилмоқда.

Марказ мутахассислари малакасини ошириш, уларни бугунги кун талаблари даражасида қайта тайёрлаш ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Мисол учун, уларнинг бир гуруҳи яқинда Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадиқот институтида малака ошириб қайтдилар.

— Изланиш, ташаббус, масъулият ҳисси бор жойда ҳар доим ривожланиш бўлади, — дейди А.Мустафаев. — Шунинг учун ҳам марказимиз мутахассислари тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчилар, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари мурожаатларини қисқа муддатларда қўриб чиқиш, ички истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш бўлишига асосий вазифа этиб белгилаб олдилар. Бу борада йиллар давомида эришилган тажриба эса соҳанинг етакчи ҳудудий ташкилотларидан бири сифатида марказимиз нуфузини белгиламоқда. Асосий мақсадимиз эса ягона, у ҳам бўлса, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий исплохотлар жараёнида соҳа ҳодимларининг муносиб ўрни бўлишига эришишдир.

СЎНГГИ САҲИФА



Солиҳ ЗОИР олган сурат

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

«Нишаб арик» — пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги оёбод ва саранжом-саршита маҳаллаларидан бири. Бу ерда кўпчиликка намуна бўладиган, обрў-эътиборга лойиқ оилалар жуда бисёр. Шулардан бири Шоиноят ота Эгамбердиев хонадонидир. Шоиноят ота 90 ёши қаршилади. Умр бўйи деҳқончилик, боғдорчилик билан шугулланди. Раҳматли турмуш ўртоғи Тожинисо ая унга дала ишларида ёлқадос бўлди. Ҳалол меҳнат билан оила боқибди.

— Мустақиллик туғайли менга умра сафари насиб этди, — дейди отахон зўр мамнуният билан. — Бу илҳини Кекасаларни эъзозлаш йили деб эълон қилишнинг эса биз қарияларга янадаям куч-қувват баҳш этди.

Шоиноят ота турмуш ўртоғи билан 6 қиз, 1 ўғлини тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлари турли соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда. Хонадонда 30 нафар неварга камол тояпти.

Уч соатлик аския

Марғилон аҳли азал-азалдан ҳазил-мутойибани жуда хуш кўради. Шу боис тўй-томошалар қизиқчиларсиз ўтмаган. Марказий истироҳат боғида бўлиб ўтган аския сайлида бу яна бир бор ўз ифодасини топди. Сўрилардан жой олган минглаб меҳмонлар уч соат давом этган аския кечасини завқ-шавқ билан томоша қилдилар.

Унда шаҳар ҳокими Ш.Эркабоев сўз олиб, йиғилганларни аския кечаси билан табриклади. Андижон вилояти Қорасув шаҳрилик Абдурахим Қўлматов ва Қаҳрамон Абдувосидовнинг «Болалар боғчаси пайрови», кўнлик Жўраҳон Пўлатов, олтириқлик Абдулла Анбаров, Анавар Нёматалиевнинг «Деҳқончилик пайрови», Учкўприк туманидан Баҳодир Шокиров, Мансур Охуннинг «Қуш пайрови», Марғилон шаҳридан Ҳотамжон Ҳакимжонов ва Мамасиддиқ Шияевнинг «Хунармаңлар пайрови» санъат шинавадалари томонидан олқишланди. Аскиячилар яхши кайфият, шодлик, қувонч, табассум бахш этибгина қолмай, ҳаётимизда учраб турадиган айрим иллатларни рўй-рост ошкор этдилар. Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Яҳёбек ва Муҳсинбек Мўминовлар, хушовоз хонандалар Элмурод Аҳмедов, Фурқат Амриалиевнинг диалогтар хонишлари кечага янада файз киритди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

Соқчи лочинлар, қоровул гозлар...

Ҳайвонлар қадимдан инсоннинг доимий кўмакчиси. Масалан, ит кўриқлайди, от юк ташийди, мушук сичқоннинг додини беради, асалари бол улашади... Кейинги пайларда жониворларнинг хизмат доираси кенгайиб бормоқда. Хусусан, дунёда кўплаб аэропортларда ўргатилган лочинлар соқчилик қила бошлагач, самолётларнинг учиб-қўнишига ҳалақит берувчи минглаб кушлар жуфтаникни ростлаганини айтиб ўтиш мумкин.

АҚШнинг денгиз соҳилларидаги курортларида эса ўргатилган дельфинлар қоровуллик қилар экан. Уларнинг вазифаси — ақуларнинг пляжга ўтишига йўл қўймаслик. Бу ақли жониворлар айрим ҳолларда ваҳший балиқларни чалғитиб, тузоққа тушириб ҳам берадилар. Голландияда помидор жуякларни орасига қўйиб юборилган қўнлар бегона ўтларни битта қўймай териб еганлару аммо экинга зарар етказишмаган. Афтидан, помидор уларга ёқмаган. Натикжада Европадаги энг йирик иссиқхоналардан бирига 75 та шалпангқулоқ доимий ишга жалб этилди. Буюк Британиядаги виски сақланадиган омборхоналар олдидан ўнлаб гозлар айлиниб юради. Бегона одам пайдо бўлиши билан шовқин солиб, бошқаларни ҳабардор қилади. Омборхона эгасига гозларнинг бу хизмати жуда маъқул бўлди. Чунки паррандалар ҳам қоровуллик қилади, ҳам туҳум қўяди, лекин бунинг учун маош сўрамайди.

АЗИЗА тайёрлади.

Ўтган сонларнинг бирида «Comedy.uz» ҳажвий гуруҳи ҳақида мақола чоп этилганидан сўнг тахририятимизга мурожаат қилган газетахонлар мазкур жамоа аъзолари билан яқинроқ танишиш истагини билдирдилар. Шу сабабли ижодий гуруҳ етакчиси Аброр Абдурахмоновни суҳбатга чорладик.

МАВЗУГА ҚАЙТИШ ХАЙРЛИ ДЕЙДИЛАР

— Саҳнада гуруҳ аъзоларига ўз исми, баъзиларига эса тахаллуси билан мурожаат қиласизлар. Бунинг сабаби нимада?

— Чиқишларимизда ранг-баранглик бўлишини таъминлаш мақсадида шундай йўл тутамиз. Масалан, менга ярим ҳазил тарзида «Аброр Бахтиёрович» деб мурожаат қилишади. Пародиялари билан машҳур Олим Ўрозовни алоҳида урғу билан «Олим ака» деб атаيمиз. Уйлайманки, тахаллуслар мухлисларга маъқул келади.

— Навбатдаги саволимизнинг жавоби қиларни кўпроқ қизиқтирмоқда: «Comedy.uz»нинг ҳамма вакиллари уйланганми?

— Ҳаммаси эмас. Олим ака, Арсен, Ҳусан ҳаётда ўз жуфтларини топган. Қолганлар эса изляпти (кулади).

— «Олим ака» ижросидаги пародияларнинг иждоқори ким?

— Гуруҳда барча бир-бирига таяниб ишлайди, ижод қилади. Ҳоҳларни ўртага ташлаймиз. Олим аканинг пародияларини ҳам бутун гуруҳ тайёрлайди, десак адашмайман. Мана, бир неча йилдирки, шу тартибда ишлаб келмоқдамиз.

— Сафингизга қўшилиб, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлганларга имконият берадизларми?

— Бажонидил! Эътибор берган бўлсангиз, чиқишларимизда мухлисларга ҳали



ҳеч ким қўл урмаган лойиҳаларни тақдим этишга ҳаракат қиламиз. Демак, бизга доимий равишда янги куч ва янги гоълар керак.

— «Comedy.uz» иждоқорлари иштирокида кинофильм суратга олиш имкони бўлганда..?

— Жамоамиз аъзоларини «катта экран»га олиб чиқишни анчадан буён ўйлаб юрганимиз рост. Қўлимизда бир неча сценарий ҳам бор. Аммо ҳозир бунинг мавриди эмас. Боиси замонавий томошабиннинг кўнглини топиш оғир масала эканлигини англаб етдик.

Шунинг учун келажакда кино суратга олсак ҳам албатта чуқур ўйлаган ҳолда, бошқаларга ўхшамайдиган, йиллар мобайнида томоша қилса бўладиган фильм яратамиз.

— Гуруҳ репертуарига яна қандай аниқлик киритмоқчисизлар?

— Яқин орада мухлисларимизга қатор лойиҳаларни тақдим этишни кўзлаб ту-

Фахриддин НУРАЛИЕВ суҳбатлашди.

Сайт орқали обуна

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Маълумотларга кўра, бугунга келиб компьютерлаштирилган почта алоқа объектлари сони 1 минг 728 тага етди. Улар жамиятнинг корпоратив компьютер тармоғидаги «Электрон пул ўтказмалари», «Тўловларни қабул қилиш тизими», «Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорат тизими», «Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими» ва «Обуна» автоматлаштирилган тизимларига боғланган.

Шунингдек, почта тизими халқаро «PRIME» тармоғига уланган. Мазкур тармоқ эътирознома тушган халқаро посылкаларни тез ва самарали қидириш бўйича Бутунжаҳон почта иттифоқининг «IBIS» халқаро ахборот тизими билан узлуксиз алоқада.

Шу билан бирга даврий нашрларга обунани ташкил этишда электрон тўлов тизими йўлга қўйилмоқда. Натикжада фуқаролар пластик карточкалари ёрдамида «Ўзбекистон почтаси»нинг интернетдаги сайти орқали газета ва журналларга исталган вақтда обуна бўлишлари мумкин.

Мусурмон РЎЗИЕВ.

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80. Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45. Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79. Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 3140 Тираж: 14430

Баҳоси келишилган нарҳда.

Тошхирлиди — 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилсини шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 21.81-497X



Навбатчилар: Б.ИСРОИЛОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.

ЭЪЛОН

СИЗГА ҲАМКОР ВА МАДАДКОРМИЗ!

«Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси тадбиркорлик субъектларига стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш борасида вилоятда, шунингдек, Навоий эркин иқтисодий индустриал зонасида фаолият юритаётган, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхоналарга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Азиз ишбилармонлар! Ишлаб чиқарилаётган, қайта ишланаётган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингизда Навоий ССМ ДК мутахассислари Сизга ҳамisha яқин кўмакчи бўлади. Корхонангизда халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни эксперт-аудиторларимиз ёрдамида жорий этишингиз мумкин. Маҳсулотларингизни эса жаҳон бозорига чиқаришингизда мутахассисларимиз Сизга доимо ўз ёрдамини беришга тайёр.

Корхонангиз ёки хонадонингизда мавжуд бўлган ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказмоқчи бўлсангиз ҳам ҳеч иккинмай Навоий ССМ ДКга мурожаат қилаверинг.

Сиз «Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг О 436 224-07-51 рақамли «Ишонч телефони»га кўнгирак қилишингиз ёки www.navoyssm.uz веб-сайтимиздан фойдаланиб, ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин. Чунки марказимиз мутахассислари мурожаатингизни эътиборсиз қолдиришмайди. Биз ҳамisha Сизнинг хизматингиздамыз!

Манзилимиз: Навоий шаҳри, «Умид» кўрғони, М.Таробий кўчаси-185.
Телефонларимиз: 0 436 224-07-51, факс: 0 436 224-93-61.
E-mail: navoisert@evo.uz

«НАВОЙ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ.


РЕКЛАМА




ВСЕ ДЛЯ ВАШЕЙ КРЫШИ



Металлочерепица и профнасти



Аксессуары



Для производства профнастила и металлочерепицы используется только качественное сырьё известных фирм Южной Кореи и России. Нашим Клиентам мы предлагаем гибкую систему скидок и высокую скорость обслуживания. Для постоянных клиентов созданы специальные условия.

Производство в Ташкенте

Тел.: (+99871) 272-17-02, (+99897) 703-72-72

Адрес: Учтена-26, ул. Максуда Шейхзады, дом 1 (ориентир — завод «АКФА»)



www.royalsteel.uz

Товар сертифицирован.

3AZ FORZA Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

Тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насыра, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

ЭЪЛОН

БИЗ СИЗГА ҲАМКОР ВА МАДАДКОРМИЗ!

«Сирдарё синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси тадбиркорларга янада кўпроқ қулайликлар яратиб, дунё стандарти талабларига тўла жавоб берадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг экспортини йўлга қўйишда товар ишлаб чиқарувчилар, кўп тармоқли фермер хўжаликларига яқиндан ёрдам беради.

Азиз тадбиркорлар, фермерлар! Корхонангиз, фермер хўжалигингизда ишлаб чиқарилаётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингизда, шунингдек, корхонангизда Халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингизда ҳам марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари Сиздан ўз маслаҳат ва ёрдамларини аяшмайди.

Хонадонингиз, корхонангизда ўрнатилган ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан тез ва сифатли ўтказишда ҳам мутахассисларимизга мурожаат қилишингиз ва уларнинг хизматидан фойдаланишингиз мумкин.

Азиз тадбиркорлар, қадрли истеъмолчилар!
Сиз «Сирдарё синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонасининг (+99897) 225-16-34 рақамли «Ишонч телефони»га кўнгирак қилишингиз ёки www.sirdaryossm.uz веб-сайтимиз орқали ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз ҳамда айрим муаммолар ечимини топишингиз мумкин. Мурожаатингизга марказимиз мутахассисларидан тез ва аниқ жавоб оласиз. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамыз!

Манзилимиз: Гулистон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 21-уй.
Телефонларимиз: (+99867) 225-08-91; факс: 225-43-86.
e-mail: sirdaryossm@rsm.uz

«СИРДАРЁ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ



МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ОЎЗБЕКISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI